

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОХАСИДА
ИҚТИСОДИЁТ ВА
МЕНЕЖМЕНТ”
йўналиши**

**“БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИР ЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**МУХАММАД АЛ ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**“БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ”
модули бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ - 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201_йил _____ ги ____-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчиilar: ТАТУ, “Менежмент ва маркетинг” кафедраси
ассистенти Гафурова Д.Р.

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент ахборот технологиялари университети
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2018 йил 29 январдаги 6(677) - сонли баённома)**

МУНДАРИЖА

1

Ишчи Дастан

2

Модулни ўқитиша
фойдаланиладиган
интерфаол таълим
Методлари

3

Назарий
Материаллар

4

Амалий
Машғулот
Материаллари

5

Кейслар Банки

6

Мустақил
Таълим
Мавзулари

7

Глоссарий

8

Адабиётлар Рўйхати

I. БҮЛІМ

ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони қабул қилинди.

Стратегия лойиҳаси долзарб ҳамда ахоли ва тадбиркорларни ташвишга солаётган масалаларни комплекс ўрганиш, қонунчилик, хуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш яқунлари бўйича ишлаб чиқилганлиги, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниб, эксперtlар ва жамоатчиликнинг кенг муҳокамасидан ўтганлиги билан аҳамиятлидир.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ҳаракатлар стратегияси” давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди. Ўз моҳият эътиборига кўра, “Ҳаракатлар стратегияси” дунёда туб ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги замонда сиёсий, хуқукий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг энг муҳим беш устувор йўналишини амалга оширишнинг беш йилга мўлжалланган миллий Стратегиясидир.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Бизнес бошқарув асослари” модулининг мақсади - тингловчиларга бизнес фалсафаси, фаолият турлари, бизнес субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожланишини бошқариш ҳақида билимлар тизимини шакллантириш, шунингдек, бизнесда самарали бошқарув қарорларини қабул қила олиш қобилияти бўйича мукаммал билимлар бериш. Бизнесни ташкил этиш усуслари бўйича тегишли маълумотлар бериш ва уларнинг турли тизимлардаги хусусиятларини таҳлил қилишни ўргатиш. Ўзбекистонда бизнесни ташкил этиш, шу жумладан бизнесда бошқарувни татбиқ қилишдаги вазифалар билан таништириш ва тегишли амалий ишларни ёритиб беришdir.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўнижмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчилар “Бизнес бошқарув асослари” модулини ўрганишлари натижасида қуйидагиларни билишлари керак:

- бизнес ва бошқарувнинг назарий асосларини;
- бизнес фаолиятида менежментнинг ролини;
- тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва норматив ҳужжатларни;
- бизнесни бошқариш соҳасида мамлакатимиз ва ҳорижий тажрибаларни;
- хўжалик юритишнинг замонавий шароитларида бошқаришнинг шакл ва усулларини ривожланиш йўналишларини;
- бизнесни бошқариш жараёни тизимининг асосий функцияларини.

Тингловчилар фанни ўрганиш натижасида:

- Бошқаришнинг тамойиллари ва усуллари, моделларини амалда қўллаш;
- ташқи ва ички муҳит ҳолатига мувофиқ равишда вазиятни баҳолаш;
- бизнесни ташкил этиш, ривожлантириш мақсадлари, вазифалари ва стратегиялари танловини амалга ошириш;
- реструктизация жараёнларини амалга оширишда ташкилий ва таркибий қарорларни шакллантириш;
- бошқарув қарорлари самарадорлигини баҳолаш *кўникмаларига эга бўлиши керак*.
- Башқарув қарорларини асослаш ва танлаш;
- бизнесни ривожлантириш жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш *малакасига эга бўлиши лозим*.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Бизнес бошқарув асослари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Бизнес бошқарув асослари” модули мазмуни ўқув режадаги барча ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бизнес бошқаруви бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилик бизнесни бошқаришни ташкиллаштириш асосларини ўрганиш, самарали бошқарувни баҳолаш ва муаммоларни бартараф этишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустакилий таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машнулот			
1.	Бизнес бошқарув асослари фанининг асосий ушунчалари Иқтисодий тизимлар ва қарорлар. Иқтисодий фаолиятни ўлчаш. Иқтисодий шароитларни ўзгариши. Бизнес фалолиятини бошка ўлчовлари. Глобал иқтисодиётда бизнес: глобал бозор, Халқаро бизнес ташкилотлари, хукумат ва бизнесда ижтимоий жавобгарлик. Халқаро бизнеснинг асослари. Бизнес функциялари. Бизнесни ташкиллаштириш. Ўзбекистон иқтисодиётида бизнес.	8	8	4	4			
2.	Бизнесда бошқарув ва етакчилик Шахсий бизнес шакиллари. Бизнес учун ташкилий тузилма. Тадбиркорлик ва кичик бизнес бошқаруви.	12	10	4	6		2	

	Бошқарув ва етакчилик. Менежмент функциялари ва турлари. Етакчилик. Этик менежмент. Инсон ресурслари асослари. Инсон ресурсларини бошқаришни ташкил этиш. Ташкилий тузилма ва иш турлари. Карьерани режалаштириш ва ривожлантириш. Ходимларни рағбатлантириш. Маркетинг асослари						
3.	Бизнес ва технология Маҳсулот ва хизматлар самарадорлигини ривожлантириш. Маҳсулотга нарх белгилаш ва етказиб бериш. Режани силжитиш. Бизнес ва технология. Молиявий менежмент. Ишлаб чиқариш ва бизнес фаолияти. Ишлаб чиқариш турлари. Ишлаб чиқариш режаси. Бизнесни бошқариш ва режалаштириш. Риск бошқаруви. Инвестиция стратегияси ва омонат. Суғурта.	14	10	4	6	4	
	Жами:	34	28	12	16	4	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Бизнес бошқарув асослари фанининг асосий ушунчалари

Иқтисодий тизимлар ва қарорлар. Иқтисодий фаолиятни ўлчаш. Иқтисодий шароитларни ўзгариши. Бизнес фалолиятини бошка ўлчовлари. Глобал иқтисодиётда бизнес: глобал бозор, Халқаро бизнес ташкилотлари, хукумат ва бизнесда ижтимоий жавобгарлик. Халқаро бизнеснинг асослари. Бизнес функциялари. Бизнесни ташкиллаштириш. Ўзбекистон иқтисодиётида бизнес.

2-мавзу. Бизнесда бошқарув ва етакчилик

Шахсий бизнес шакиллари. Бизнес учун ташкилий тузилма. Тадбиркорлик ва кичик бизнес бошқаруви. Бошқарув ва етакчилик. Менежмент функциялари ва турлари. Етакчилик. Этик менежмент. Инсон ресурслари асослари. Инсон ресурсларини бошқаришни ташкил этиш. Ташкилий тузилма ва иш турлари. Карьерани режалаштириш ва ривожлантириш. Ходимларни рағбатлантириш. Маркетинг асослари.

3-мавзу. Бизнес ва технология

Маҳсулот ва хизматлар самарадорлигини ривожлантириш. Маҳсулотга нарх белгилаш ва етказиб бериш. Режани силжитиш. Бизнес ва технология. Молиявий менежмент. Ишлаб чиқариш ва бизнес фаолияти. Ишлаб чиқариш турлари. Ишлаб чиқариш режаси. Бизнесни бошқариш ва режалаштириш. Риск бошқаруви. Инвестиция стратегияси ва омонат. Суғурта.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-2-амалий машғулот: Бизнес этикаси ва ижтимоий жавобгарлик

3-амалий машғулот: Самарали бошқарув

4-амалий машғулот: Ходимларни ёллаш, малакасини ошириш ва баҳолаш

5-амалий машғулот: Жараённи ташкиллаштириш

6-7 – амалий машғулот: Карьерани режалаштириш ва ривожлантириш

8– амалий машғулот:
Үз бизнесингизни яратиш ва бошқариш лойихаси

ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари		1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари	2.5	0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

Ш. БҮЛІМ

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Намуна: АК “Ўзбектелеком” ривожланиш истиқболларини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

Имкониятлар	Кучли томонлари
1. Алоқа хизматларига бўлган эхтиёжни ўсиши 2. Барча турдаги телекоммуникация хизматларини тақдим этади 3. Республика бўйича филиалларга эга	1. Телекоммуникация хизматлари бозорида йирик компания 2. Кенг инфратузилмага эга 3. Ходимлар юқори малакага эга экани 4. Мижозлари сони кўплиги 5. Тақдим этилаётган хизматларга талаб вақтга боғлиқ эмаслиги
Хавф хатар	Кучсиз томонлари
1. Рақобатчи компаниилар сони кўплиги; 2. Юқори малакали ходимларни ишдан бўшаши 3. ахолини тўлов қобилияти пастлиги	1. Ягона ахборот тизимига эга эмаслиги 2. Барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаслиги 3. Маркетинг хизматини самарали амалга оширилмаслиги

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармокли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. «Хулосалаш» методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

операцион тизимлар оиласи

Windows		Unix		Linux	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанака (How), Нима-натижা (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиши орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиши ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. 6 Гб тезкор хотирага эга бўлган компьютерга 32 битли операцион тизим ўрнатилди. Тезкор хотира 6 Гб хажмига қарамасдан операцион тизим 4

ГБ жойини бошқараолади. Ушбу холат нимадан келиб чиқди?

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириклар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Ушбу ҳолатни бартараф қилиш усуллари кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласи. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф

- фикрингизни баён этинг

С

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

М

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

У

- фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли

ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: –Өперацион тизим тизимли дастурий таъминот синфига киради”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

–Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

- Операцион тизимнинг асосий функциялари нечта?
- A) 2 та
- B) 5 та
- C) 3 та
- D) 1 та



Қиёсий таҳлил

- Linux операцион тизимлардан фойдаланиш кўрсатгичларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- MSDOS қисқармасини изоҳланг...



Амалий кўникма

- Маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зарур бўлган дастурий таъминотни ўрнатинг?

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим оловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим оловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
—V” – таниш маълумот.			
—?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
—+” бу маълумот мен учун янгилик.			
— ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: –Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Операцион тизим	Компьютер ва фойдаланувчи ўртасидаги интерфейс	
Файл тизими	Маълумотларни хотирада сақлаш тизими	
Linux	Очиқ кодли операцион тизим	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯх аъзоларини ўз фикрлари

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

билин гурухдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурух баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вакт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Операцион тизимини ўрнатиш					
Фойдаланувчи қайт ёзувини созлаш					
Файлларни шифрлаш					
Тармоқни созлаш					
Антивирус дастурини ўрнатиш ва созлаш					
Операцион тизимни оптимизациялаш					

“Брифинг” методи

—Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Портфолио” методи

—Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

Фаолият тuri	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Қафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

III. БҮЛІМ

НАЗАРИЙ
МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Бизнес бошқарув асослари фанининг асосий ушунчалари Режа

- 1.1. Иқтисодий тизимлар ва қарорлар.
- 1.2. Иқтисодий фаолиятни ўлчаш. Иқтисодий шароитларни ўзгариши. Бизнес фалолиятини бошқа ўлчовлари.
- 1.3. Глобал иқтисодиётда бизнес: глобал бозор, Халқаро бизнес ташкилотлари, хукумат ва бизнесда ижтимоий жавобгарлик. Халқаро бизнеснинг асослари.
- 1.4. Бизнес функциялари. Бизнесни ташкиллаштириш. Ўзбекистон иқтисодиётида бизнес.

Таянч иборалар: *Бизнес фаолият, иқтисодий тизим, бизнес мухити,*

“Бизнес” сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда, кишиларни фойда олишга қаратилган турли меҳнат фаолияти маъносини билдиради.



*Тадбиркорлик ва бизнес
синонимлар сифатида
қўлланилади*

Бизнесмен (тадбиркор)
сўзи биринчи маротаба Англия



иқтисодиётида пайдо бўлиб, у “мулк эгаси” деган маънони билдирган. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни



“фойда олиш учун қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган

кишидир”, деб тарифлайди. Тадбиркорнинг ўзи, ўз ишини режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади,



маҳсулотни сотади ҳамда олган даромадига ўзи хўжайнлик қиласди.

Америка Кўшма Штати (АҚШ) нинг Техас ва Иллиноя университетлари профессорлари С. Розенблат, Р. Боннингтон ва Б. Нидлслар томонидан тайёрланган “Бизнес концепцияси” дарслигида: “**Бизнес нима?**” деган саволга, улар:

Бизнес - бу иш юритиш тузилмасидир.

Бизнес - бу инсонларга керак бўлган маҳсулотларни яратишдир.

Бизнес - бу ишдир.

Бизнес - бу бизни қандай яшашимиздир.

Бизнес - бу ижтимоий-иктисодий тизимимизнинг марказий кўчасидир.

Бизнес - бу ўзимизнинг хоҳиш - истакларимизни қондириш учун яратган тизимимиздир.

Бизнес - бу жамиятни хоҳиш ва эҳтиёжларини қондириш учун яратилган ишлаб чиқариш тизимиридир

Тадбиркорлик - мулкчилик субектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иктисодий фаолият кўрсатишидир.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик:

- тадбиркорнинг шахсий мол - мулки асосида;
- тадбиркорнинг бошқа фуқоролар ва юридик шахслар, шу жумладан, ажнабий фуқороалар ҳамда юридик шахсларнинг мол -мулкларини турли шаклларда жалб этиши асосида;
- тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол -мулкларидан фойдаланиши асосида;
- юқорида қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик - бу доимо ўз ишининг фидоийси, билимдони бўлиши дегани. Тадбиркорлик учун илм олиш - ўқиш керак, балки тадбиркор бир умр ўқиш, изланишда бўлиши зарур.

Тадбиркорлик мавхум нарса бўлмай, фирмалар фаолиятида ифода этилади.

Фирма - бозор учун ишловчи корхона. Корхона кайси мулкка тааллукли бўлмасин фирма, завод, фабрика номлари билан юритилади. Дехқон хўжалиги бундан истисно, у фермер хўжалиги деб аталади. Кишлок хўжалигига ширкат фирмалар ҳам фаолият кўрсатади.

Тадбиркорлик фаолияти - бу хўжалик фаолиятини (ишлаб чиқариш ёки савдо) асосий туридир. Бу фаолият тури жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади, ўз номидан



ва унинг хавф-хатарига доимий асосда, улар тадбиркорлар деб аниқланади. Бу фаолият давлат хукуқий нормаларига риоя қиласди ва ўз фаолияти учун мулкий жавобгарликни, ҳамда бозор хўжалигининг алоҳида субектларини ресурс ва капиталларни энг яхши ишлатиш йўли билан кўзланган натижага этишишини кўзлади.

«Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субектлари томонидан қонун хүэжжатларига мувофиқ амалга ошириладыган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратылған ташаббускорлик фаолиятидир»

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунини З-моддаси

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ривожланиши ва шаклланишининг тарихини уч босқичга бўлиш мумкин:

1. Инқилобгача
 2. Шўро даври
 3. Ҳозирги давр.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари

- қонун билан тақиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулқдан фойдаланиш эркинлиги;

- тадбиркорнинг хўжалик фаолиятини юритишдаги ва фаолият махсусини тақсимлашдаги мустакиллиги;

- тадбиркорнинг барча турдаги ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятини юритишида, мулк шаклларидан қатъий назар, қонун олдида тенг хукуклилиги;

- тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимларни ишга олиш (ёллаш)нинг ихтиёрийлиги:

- даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъий назар, солиқ идоралари хузурида ҳисоб беришнинг асосланган (декларатив) шакли, тадбиркорларнинг даромадларини яшириб қолганлик (камайтириб кўрсатганлик) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан жавобгарлиги.

Конуний-меъёрий хужжатларга биноан тадбиркорларга қуидагилар кафолатланади:

✓ фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, корхона бунёд этиш ва бунинг учун зарурый мулк сотиб олиш щуқуллари:



- ✓ амалдаги қонунчилик ва шартномалар асосида барча тадбиркорларнинг щуқук ва қонуний манфаатларини щимоя қилиш;
- ✓ тадбиркорлик фаолиятининг илмий – техникавий ва щуқуқий жищатдан қўллаб - қувватланиши.
- ✓ тадбиркорлик хавф – хатари ва тавакалчилигини суғурта қилиш.
- ✓ тадбиркорлар билан шартнома тузилгандан сўнг улар фаолиятига шартномада кўрсатилган холатлардан ташқари, мулк эгасининг ва хар қандай учинчи шахснинг аралашиши маън этилади.

«Тадбиркорлик фаолияти субектлари (тадбиркорлик субектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субектлари бўлиши мумкин эмас»

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунини 4-моддаси.

Иқтисодчи бизнес дунёсида муҳим рўл ўйнайди. Бу жуда муҳим вазифа, бизнес ва ҳукumat расмийлари ва ҳатто истеъмолчилар гўёки бу башоратларни келгуси иқтисодга таъсир кўрсатишда ишларишади. Кўпгина иқтисотчилар давлат ишларида, бизнесда ва бизнес ташкилотларида, ёки ўқтувчи ва профессор бўлиб коллеж ва университетларда ишлashingadi. Иқтисодчилар ташкилотларда бизнесда юз бериши мумкин бўлган бозор ҳажмини, истеъмолчи талабларининг ўзгаришлари, сотишдаги ўзгаришлар ва нархларни олдиндан айтиб бериш учун ишлайди. Улар рақибларнинг ўсиши ва бозор тақсимотини анализ қиласи ва ўзларининг компаниясига ғояни (режани) қандайлигини тавсия қиласи. Бугунги кунда, иқтисодчилар халқаро иқтисодиёт ва ўзларининг компаниялари ишлаб турган ёки кенгайтирилиши режалаштирилган давлат иқтисодий ҳолатига эътиборини қаратмоқда.

Маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчи одамлар инсон ресурслари дейилади. Инсон ресурсларининг яна бир тури бошқарувчи ҳисобланади. Бошқарувчи янги маҳсулот ва хизмат яратиш учун ресурслардан фойдаланиб таваккал қиласи.

Капитал ресурслар

Инсонлар табиий ресурсларни маҳсулотга айлантириш учун ускуна ва жиҳозлардан фойдаланиши керак. Маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланадиган маҳсулот ва пуллар сапитал ресурслар дейилади. Капитал ресурслар бинолар, жиҳозлар ва таъминловчи нарсаларни қамраб олади. Улар завод қуриш транспортларни сотиб олиш ёки ижарага олиш, ишчилар маоши, ишлаб чиқарилиши талаб қилинаётган маҳсулот ва нарсалар ва хизмарлар учун керак бўладиган пулни ҳам қамраб олади.

Ресурслар чегараланган.

Барча иқтисодий ресурслар етказиб берилиши чегараланган. Кўп

ресурслар бир қанча турли хил маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Агар ресурслар бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишалтилса, у бошқа нарса ясаш учун ишлатилмайди. Якка шахслар, бизнеслар ва ҳатто мамлакатлар иқтисодий ресурсларга әгалик қилиш ва бошқариш учун беллашишади. Бу ресурсларнинг одатда нархи юқори, уларга талаб катта ёки фойдаланиш учун чегараланган. Чунки уларда чегараланган миқдордаги табиий ресурслар бор, чегараланган миқдордаги маҳсулот ва хизматлар ҳам ишлаб чиқарилади.

Асосий иқтисодий муаммо.

Харидор ва корхоналар чегараланмаган ҳоҳиш ва эҳтиёж чегараланмаган. Ваҳоланки, иқтисодий ресурслар чегараланган. Иқтисодий ресурсларни чегараланганлиги ва чегараланмаган ҳоҳиш эҳтиёжларнинг камчилиги бу асосий иқтисодий муаммо деб аталади. Сиз сотиб олишни ҳоҳлаган бир қанча маҳсулотга қурбингиз етади, лекин уларнинг ҳаммаси учун етарли маблағга эга бўлмайсиз.

Асосий иқтисодий муаммолар етишмовчиликдан юзага келади. Етишмовчилик – бу эҳтиёжларни қондириш учун етарлича ресурсга эга бўлмаслиқдир. Етишмовчилик ҳаммага таъсир қиласи, лекин баъзиларга бошқалардан кўпроқ таъсир қиласи. Фойдаси чегараланган инсонлар ўз маблағларидан асосий эҳтиёжларини қондириш учун энг қулай маблағ сарфлаш йўлини танлашга мажбурдирлар. Кам табиий ресурсларга ёки қашшоқ таълим тизимиға эга бўлган давлатлар ўз аҳолиси учун етарли маҳсулотлар ва хизматлар таклиф қила олмайди.

Танловлар

Ҳар бир шахс етишмовчиликка асосланган ҳолда иқтисодий қарор қабул қиласи. Шахслар ва оилалар ўз эҳтиёж ва ҳоҳишларига қараб уларнинг даромадини тақсимлашга қарор қилишга мажбур. Шахар туман ва ижтимоий жамият ўз йиққан солиқлари билан шаҳар аҳолисини қўплаб хизматлар билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишлари керак. Зеро ҳар ким қийин танлов қабул қилишга мажбур.

Етишмовчилик сизни муқобиллар орасидан танлашга ёки қарор қабул қилишга мажбур қиласи. Сиз қайси қарорни энг муқобили деб қабул қиласиз? Сиз одатда ёқтирган нарсаларингизни қўпчилигини ёки қурбингиз етканини танлайсиз.

Мантиқий жараёнга эргашиб сизга яхшироқ қарор қабул қилишга ёрдам беради. Бу йўл қўпчилик қарорларни қабул қилиш учун исботланган йўл, лекин бу қўпроқ муҳим иқтисодий қарорлар қабул қилишда фойдали. Иқтисодий қарор қабул қилиш бу – эҳтиёжларни танлаш жараёни ва ҳоҳишларни қондириш жараёни ҳисобланади. Сиз жараённи ўрганишингиз билан қарор қабул қилишингиз осонлашади ва жараён тўғри танловлар сари йўлланилади.

Тижорат якунланиши ва нархлардаги қулайлик.

Қўпчилик танловларда сиз бир қанча муқобиллар орасидан натижада берадиганини танлай олишингиз керак. Сиз бир муқобилдан вос кечсангиз бошқа бирини танлаган бўлишингиз керак. Қачонки сиз бирор нарсадан вос

кечиб бошқасини танлаган бўлсангиз, сиз тижорат якунланишини амалга оширган ҳисобланасиз. Бу дегани сиз бир жуфт аёқ кийим сотиб ололмайсиз чунки сиз дўстларингиз билан кино кўришга ва пизза олишга қарор қилган бўласиз.

Қарор қабул қилиш жараёни сизга танловлар орасидан энг яхшисини ва энг коп натижа берадиганини танлашга ёрдам беради. Иқтисодчилар сизга энг қулай нарҳдаги танловларни кўриб чиқкан ҳолда муқобилларни баҳолашни тафсия этишади. қулай нархлар -бу сиз танлай олмаган кийинги энг яхши муқобил қийматидир. қарор қабул қилишда нимадандир вос кечиши бу сизнинг танловингизнинг бир қисми ҳисобланади. Сиз бирор нарсани танлашдан оладиган фойдангиз кийнги энг яхши танловдан оладиган фойдангиздан каттароқ бўлиши керак.

Қарор қабул қилиш жараёни.

Сиз тезкор танлов танлашда ҳиссиётлардан фарқли ўлароқ чуқур ўйланган жараёнларга асослансангиз сиз яхшироқ қарор қабул қилишга муваффақ бўласиз.

Натижавий қарор қабул қилиш жараёни 6 босқичдан иборат.

1. Муаммони тушуниш.
2. Танловлар билан танишиш.
3. Ҳар бир танловни фойдали ёки фойдасизлигини баҳолаш.
4. Енг яхши муқобилни танлаш.
5. Танловни ижро этиш.
6. қарорни қайта кўриб чиқиш.

Муаммони тушуниш.

Ҳар бир қарор учун қилинган қарор яхши натижага боцлаши учун муаммо билан аниқ танишиб чиқилган бўлиши шарт. Агар сизга учта тест учун икки соат вақт берилган бўлса, сизнинг муаммойингиз тестлар учун чегараланган вақтни энг яхши тақсимлаб чиқиши ҳисобланади.

Танловлар билан танишиш.

Сизни муқобиллар орасидан танловларга юзлашишингиз табиий ҳолдир. Олдинроқ биз 75\$ қандай энг яхши сарфлаш масаласига тўхталган эдик. Бунда 75\$ ни оёқ кийимга ёки пиззага ва кинога сарфлашдан бошқа варианtlар ҳам мавжуд, эҳтимол сиз уни одатий кунлик харажатларингизга сарифлашингиз мумкин ёки уни коллеж учун йиғиб қўйишишингиз мумкин. Енг муҳими шундаки сиз қарор қабул қилишда барча муқобиллар билан танишисиб чиқишишингиз ва энг яхшини танлашингдадир.

Ҳар бир танловни фойдали ёки фойдасизлигини баҳолаш.

Ўз қарорингизни ёзишдан олдин сиз ҳар бир танловни фойдали ва фойдасиз тарафлари билан таниш бўлишишингиз керак. Агар сиз оёқ кийим сотиб олсангиз сиз уни узоқ вақт кийишишингиз мумин, лекин дўстларингиз билан кин ова пиззани лаззатидан вос кечишишингиз керак. Агар сиз пулингизни йиғиб қўйишини танласангиз эҳтимол кийироқ каттароқ нарсага сарифлашингиз мумкинсиз ва дўстларингиз сизга вақтизни сарфлашни энг қулай йўлини белгилаб бериши мумкин.

Енг яхши муқобилни танлаш.

Танловни танлашда сиз малум бир вақт ичида сиз учун энг яхиси қайси бирилигига ишонишингиз керак. Гарчи сиз биринчи уч қадамда яхши ишни амалга оширган бўлишингиз мумкин, лекин кийинги қадам оғир бўлиши мумкин. Сиз сизнинг танловингиз ҳозир ҳам келажакда ҳам натижага эга бўлишига ишончингиз комил керак.

Танловни ижро этиш.

Дастлаб сиз энг яхши танлов қайси бирилигига ишинч ҳосил қилишингиз керак ва танловни ни бўлганда ҳам амалга оширишингиз керак. Агар сиз пулингизни дўстларингиз билан кинога ва пиззага сарфлашга қарор қабул қилган бўлсангиз, буни амалга оширишингиз керак ва роҳатланишингиз керак. Танлаган қарорингиздан ташвишланмаслигингиз лозим. Танловни қайта ўйлаш ёки қилган қарордан афсусланиш бу сизнинг кийнги қарорларингизга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Ҳаёт танловларга тўла. Нимани амалга оширишинг ҳеч қандай муаммо эмас, сизга етарлича вақт бор муқобилларни синчиковлик билан кўздан кечиришга. Сўнги босқич сизга бундай вазиятлардан халос бўлиш имконини берада.

Қарорни қайта кўриб чиқиши.

Сиз қарорингиз натижасини текшириб кўриш имкони бўлса, сиз танловингизни қайта кўриб чиқишингиз муҳимдир. Бази қарорлар тез қабул қилинишига тўғри келади базиларида етарли маълумот мавжуд бўлмайди. Лекин ҳар иккала вазиятда ҳам қарор қабул қилиш жараёни сизга ақилли қарор қабул қилишга ёрдам беради.

Фойдали ресурслар эҳтиёж ва хохишларни қондиришда қандай фойдаланишини аниқлаш учун, ҳар бир мамлакат З иқтисодий масалаларга жавоб бериши керак.

1. Нима маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилади?
2. қандай маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарилади?
3. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар билан қандай эҳтиёж ва хохишлар қондирилади?

«Қонун — шу ҳодиса ёки жараёнга хос ички, муҳим, зарурий, сабаб-оқибатли, доимий, умумий, сифат ва миқдор боғланишини ифодал овчи, барқарор такр орланувчи ҳодисадир».

Шу таърифдан фойдаланиб иқтисодий қо нунларни қўйидагicha ифодалаш мумкин: Иқтисодий қонунлар — иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги муҳим, барқарор такрорланувчи, иқтисодий заруратни тақозо этувчи сабаб-оқибат, сифат ва миқдор боғланишлари, алоқаларидир. Иқтисодий қонунлар йirim кишиларнинг хоҳиш-иродасидан қатъи назар амал қиласиди. Бу жихатдан иқтисодий қонунлар табиат қонунларига ўхшаб кетади. Лекин иқтисодий қонунларни табиат қонунларидан фарқлай билиш керак. Улар ўртасида муҳим ва принципиал фарқлар мавжуд:

1. Табиат қонунлари — бу табиатга хос қонунлар, улар табиат учун ҳам, жамият учун ҳам умумий. Иқтисодий қонунлар эса жамият ижтимоий ҳаётининг ривожланиши, инсонларнинг хўжалик аолияти қонунларидир.
2. Табиат қонунлари абадий, иқтисодий қонунлар эса тарихий

характерга эга.

3. Табиат қонунларини очиш, билиб олиш, ўрганиш, улардан фойдаланиш нисбатан анча текис, иллик юз беради, ҳамда табиат қонунларининг инсон томонидан бузилиши оқибатлари тезда юзага ҳиқади. Иқтисодий қонунлареса бу жиҳатдан аксинча. Сабаби инсоннинг ўзи мураккаб, ундан ташқари, ҳар бир инсон ўз индивидуал ҳамда гурухий эҳтиёжи, манфаати билан майдонга чиқади. Натижада иқтис

одий қонунлар «умри тугаб бораётган» жамият кучларининг қаршилигига дуч келади. Иқтисодий қонунларнинг инсон фаолияти орқали бузилишини илғаш қийин. У маълум вақт ўтгандан кейингина юзага чиқади. Сиёсий иқтисод классиклари иқтисодий қонунларни объективлигини эътироф этган бўлсалар, маржинализм мактаби намояндалари, аксинча, инсоннинг иқтисодий жараёнларда иштирокининг субъектив жиҳатларига кўпроқ аҳамият берадилар. Ҳар бир инсон бирон иқтисодий фаолиятга киришар экан, ўз эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан нима қилиши, қандай ёъл тутиши кераклигини «акл тарозиси»да тортади. Албатта, бу эрда одамларнинг психологияси катта рол ўйнайди. Агарда инсон умрининг ярмидан кў-пи хўжалик юрит иш фаолияти билан ўтар экан, унда албатта иқтисодий психология шаклланади. Иқтисодий психологияга иқтисодий фикрлаш, хўжалик юритиш сабаблари ва инсонларнинг ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлиш ва истеъмолда қатнашувининг сабаби бўлган иқтисодий манфаатлар киради. Хўжалик юритишни, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий психология аралашувисиз амалга ошириб бўлмайди. Эркин танлаш имконияти бор шароитда кишилар бирон қарорга келишар экан, бунинг учун аввало иқтисодий фикрлар, манфаатлар асосида хулоса чиқаришади. Натижада хўжалик юритиш жараёнида маълум психологик қонунларнингамал қилиши намоён бўлади. Иқтисодий қонунлар кишиларнинг мақсадли фаолияти орқали намоён бўлади. Бир хил субъектлар хўжалик жараёнлари объектив кетма-кетлигини тушуниб, шу ёъналишда фаолият кўрсатсалар, аксинча, бошқа субъектлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, қарши фаолият олиб борадилар. Бунинг натижасида объектив иқтисодий қонунлар нисбатан кам ёки юқори барқарорликда иқтисодиётнинг умумий ёъналишини акс эттирадиган тенденциялар тарзида амал қи-лади. Иқтисодий қонунларнинг ҳар хил гуруҳлари ва турлари мавжуд бўлиб, улар биргаликда жамият тараққиёти иқтисодий қонунлари тизимини ташкил этади. Улар

Куйидаги гуруҳларга бўлинади: Махсус иқтисодий қонунлар — бу муайян сотсиал-иқтисодий тизим доирасида амал қиласи. Улар аниқ тарихий хўжалик шаклининг ривожланиш қонунлариdir. Масалан, қулдорлик, крепостнойлик, «сотсиалистик» тақсимот қонуни ва бошқалар. Алоҳида ёки даврий-оралиқ қонунлар. Буларга амал қилиш шароити сақланган тарихий даврларга хос бўлган қонунлар киради. Бу қонунлар махсус тизимларга алоқаси бўлмаган ҳолда турли сотсиал-иқтисодий тизимларни бирлаштириб, боғлаб турувчи муносабатларга хосдир. Масалан, бозор иқтисодиётiga хос қонунлар том маъноси билан шу гуруҳга киради. Умуниқтисодий қонунлар.

Бу — жамият тараққиётининг барча босқичларида, иқтисодиётни аниқ ижтимоий шаклидан қатъи назар амал қилувчи қонунлардир. Улар одатда, жамиятнинг олға қараб ривожланиш жараёнини фодалайди. Масалан, эҳтиёжларнинг юксалиб бориши қонуни, вақтни тежаш, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва ошқалар. Иқтисодиётда турли ҳодисалар, жараёнлар, улар ўртасидаги алоқалар ўрганилаётганда маълум антиқий тушунчалар—категорияларга таянилади. Иқтисодий категорияларни иқтисодий қонунлардан фарқ қилиш зарур. қамият иқтисодий ҳаётининг энг муҳим томонларини ифодаловчи назарий (мантиқий) тушунчалар иқтисодий категориилар деб аталади. Улар реал иқтисодий воқеликнинг илмий ифодасидир. Масалан, талаб ва таклиф, бозор, кредит ва ҳоказолар. Иқтисодий категориилар иқтисодий қонунларга ўхшаш маҳсус алоҳида (даврий-оралиқ) умумий категорииларга бўлиниб, айримлари иқтисодий тараққиётнинг муайян тарихий босқичига хос бўлса, айримлари узоқ тарихий даврга хос, бошқалари барча босқичларга хос. Иқтисодий муносабатлар ривожланиб боради, бир муносабат ўрнига бошқаси келади. Бошқа бир муносабат тубдан янгиланмаса-да, у бойиб боради, унинг янги қирралари пайдо бўлади. Шу сабабли иқтисодий назарияда янги категориилар пайдо бўлади. қўлланилаётган категорииларнинг мазмуни кенгаяди. Масалан, диверсификатсия, инфраструктура, интегратсия ва ҳоказо. Назарий категория ва қонунларни улар қайси гурухга киришидан қатъи назар яхлитликда олиб ўрганади. Категория ва қонунлар тизими иқтисодиётга хос бўлган барча бир-бирини тақозо этувчи, бир-бири билан боғлиқ қонунлар ва категориилар мажмуасидир. Хўжалик юритиш жараёнида кишилар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алоқалар ўрнатилади. Бу муносабатлар маълум тизим тарзида намоён бўлади. Таникли иқтисодчи В. Леонтевнинг фикрига кўра, ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиёти бу катта бир тизим бўлиб, ўз ичига турли-туман фаолият турларини қамраб олади. Иқтисодий фаолият маълум иқтисодий тизим шароитида амалга ошади. Иқтисодий тизимга иқтисодчилар турлича таъриф беришади. Масалан, П. Грегори ва Р. Стюартларнинг фикрича, иқтисодийтизим — бу маълум географик худуд доирасида ишлаб чиқариш, даромад ва уни тақсимлашга доир қарорлар қабул қилиш ва уни амалга ошириш механизмлари ва институтлари (тартиблари) мажмуидир. Ф. Праёр бўлса, иқтисодий тизим иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиш ва унинг натижаларига бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи барча институтлар, ташкилотлар, қонун ва қоидалар, эътиқод, позитсия, анъаналар, баҳолар, тақиқлар ва ахлоқий схемаларни ўз ичига лади, деб таърифлайди. Профессор А. Ўлмасов иқтисодий тизимга қуидагиларни киритади: а) иқтисодий ресурслар; б) иқтисодий алоқалар ёки муносабатлар; в) иқтисодий механизм; г) иқтисодий сиёsat.¹ Иқтисодий механизм — бу иқтисодий тараққиётни таъминловчи ва бир-бирини тақозо тувчи воситалар бўлиб, унга иқтисодий стимуллар (рағбат берувчи кучлар), ишлаб чиқариш, айирбошлиш ва истеъмолни ташкил этиш, иқтисодий фаолиятнинг хисослашуви, иқтисодий фаолият кооператсияси ва хўжалик алоқаларини ўрнатиш усуллари киради. Маълумки, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва унинг чуқурлашиб бориши билан

иқтисодий алоқалар мураккаблашади. Турли-туман хўжалик юритувчи субъектларнинг вужудга келиши ва ривожланиши юз берали. Натижада улар ўртасида муносабатлар, алоқаларни тартибга солишнинг зарурати келиб чиқади. Бунинг учун маҳсус сиёсий, ҳуқуқий, қтисодий механизмлар яратилади. Улар бир бутун ҳолда жамиятнинг сотсиал-иқтисодий тизимини шкил этади. Хўп, тизим деб ўзи нимага айтамиз? Тизим деб турли элементлар, қисмлардан иборат ўзаро звий бо?ланган, маълум тартиб асосида таркиб топган бутунликни тушунилади. Иқтисодий тизим жамиятдаги турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида иқтисодий муносабатлар, алоқалар, жараёнларни бир бутун ҳолда, муайян тарзда таркиб топиши ва тартибга солинишини ифодалайди. Иқтисодий алоқалар, жараёнлар мисоли занжир бўлса, ҳар бир хўжалик, фаолият юритиш субъекти ана шу занжирнинг ҳалқаси тарзида намоён бўлади. Бу алоқалар, муносабатлар хўжалик фаолияти юритаётган кишилар ўртасида юз беради. Шунинг учун ҳам одатда уларни сотсиал-иқтисодий тизимлар деб юритилади. Иқтисодга оид адабиётларда иқтисодий тизим ва унинг ривожланиш тенденциясига турлича ёндашилади. Айримлар, сотсиал-иқтисодий тизимларга унинг таркибий исмларини умумий жиҳатига кўра ривожланиш тенденциясинианиқлаш керак, дейишади. Чунки тизимлар ривожланишининг асосий тенденцияси бу умумийликка, унификатияга интилишидир. Бошқалари, иқтисодий тизимларни уларнинг фарқларига кўпроқ аҳамият бериб ўрганиш керак, чунки уларнинг фарқлари сифат жиҳатидан янги хўжалик тизими ву-жудга келишигава иқтисодий ўсишга олиб келади, деб ҳисоблашади. Хозирги дунё турли-туман иқтисодий тизимлар мавжудлиги билан характерланади. Улар тарихий даврларда вужудга келади, ривожланади, бири иккинчиси билан алмашинади. Жамият ҳаётини яхшироқ тушуниш учун унинг тарихий тараққиёт жараёнини бир бутун ҳолда кўриб, ривожланиш босқичлари, фазаларини таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Жамият тараққиёти, сотсиал-иқтисодий тизимлар ва уларнинг алмашинувига нисбатан кенг ёйилган ондашувлардан бири форматсион ёндашувдир. Форматсион ёндашиш асосида жамият тарихий тараққиёти ривожланишининг қонуний босқичлари ва моддий ишлаб чиқаришнинг беш усули: ибтидой жамоа, кулдорлик, феодализм, капитализм ва коммунизм ажратиб кўрсатилади. Материалистик назарияда тизимлар мулкий, синфий мезонлар асосида қаралиб, форматсия деб аталади. Ишлаб ҳиқариш усули иқтисодий базис — асос сифатида ажратилиб, у устқурма — давлат билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий форматсияни ифодалайди. Ишлаб чиқариш усулининг ўзи ишлаб чиқариш учлари ва ишлаб чиқариш муносабатларидан иборат. Ишлаб чиқариш кучлариишчи кучи ёки бошқача айтганда, маълум малака ва тажрибага эга кишилар ҳамда ишлаб чиқариш воситаларидан ташкил топади. Ишлаб чиқариш воситалари меҳнат воситалари ва меҳнат ашёларидан иборат. Ишлаб чиқариш муносабатлари эса ишлаб чиқариш воситаларигамулкчилик муносабатлари, ишлаб чиқариш жараёнида сотсиал гурухларнинг тутган ўрни, улар ўртасида фаолият айирбошлаш, яратилган маҳсулотни тақсимлаш, истеъмол муносабатларидан иборат.

Назорат саволлари

1. Бизнес бошқарув асослари фанининг асосий мақсад ва вазифаларини айтиб беринг.
2. Бизнес фаолияти деганда нимани тушунасиз?
3. Нима учун бизнес билан шуғулланилади?
4. Иқтисодий тизимлар нима?
5. Иқтисодий қонунларни биласизми?
6. Бизнесни бошқаришдаги асосий тамойилларни келтириңг.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.L.R.Dabay and others/Principles of business/2012.600p.
- 2.Jeef Madura/ Introduction to business/ Florida Atlantic University/Paradigma Publishing Inc. 2010.694p.

2-мавзу. Бизнесда бошқарув ва етакчилик

Режа:

- 2.1. Шахсий бизнес шакиллари. Бизнес учун ташкилий тузилма.
- 2.2. Тадбиркорлик ва кичик бизнес бошқаруви. Бошқарув ва етакчилик. Менежмент функциялари ва турлари. Етакчилик. Этик менежмент.
- 2.3. Инсон ресурслари асослари. Инсон ресурсларини бошқаришни ташкил этиш. Ташкилий тузилма ва иш турлари.
- 2.4. Карьерани режалаштириш ва ривожлантириш. Ходимларни рағбатлантириш. Маркетинг асослари

Таянч иборалар: Менежмент, менежер, тадбиркор, инсон ресурслари бошқаруви,



Менежмент бу инглизча “*management*” сўзидан олинган бўлиб бошқарши, раҳбарлик қилиши, маъмурчилик, дирекция, тасарруф қила олиши маъноларини англатади, шунингдек

— ижтимоий-иктисодий тизимларни ишлаб чиқиш ва тузиш (ташкил этиш), максимал самарали қўллаш (фойдаланиш) ва назорат қилиш хам тушунилади.

Менежмент тафаккури мактабининг келиб чиқиш тарихи яқин даврларга тааллуқлидир. Менежмент илми Иккинчи жаҳон уруши даврида Англияда олимлар гурӯҳи фуқаролар мудофааси ва от очиш позициялари иншоатларини оптимал жойлаштириш, кемага қарши бомбаларни портлатиш чуқурлигини ва транспорт карвонларининг конвойини оптимизациялаш каби мураккаб харбий масалаларни ечиш топширигини олганда пайдо бўлган. 50-60-йилларда услубиёт янгиланиб, бир қатор ўзига хос усувларга айланиб, саноатда муаммоларни ечишда ва ҳар хил вазиятларда қарор қабул қилишда кенгроқ ишлатила бошланди.

Менежмент — бу бошқа инсонларнинг меҳнати, салоҳияти, феъл-атворларидан фойдаланган ҳолда олдинга қўйилган мақсадларга эриша олишилик.

Менежмент — бу ташкилот мақсадларига эришиши учун инсоний, моддий ва молиявий ресурсларни оптималлаштиришига йўналтирилган профессионал фаолият тури.

Менежмент — бу бошқарши амалиётига асосланган илмий билимлар, тавсиялар тизими.

Менежмент — бу бошқарши санъати билан оширилган илм +

тажсриба.

bu tashkilot maqsadlarini shakllantirish va unga erishish uchun zarur bo'lgan rejalashtirish, tashkil etish, asoslash (motivatsiya) va nazorat jarayoni

Boshqarish

boshqarish tizimining boshqarish ob'ektiga to'laligicha yoki uning alohida bo'g'inlariga uni samarali amal qilishi va rivojlanishi maqsadida mazkur ob'ektga tegishli bo'lgan qonuniyatlar va progressiv tendentsiyalarini bilish va qo'llash ososida tizimli, ongli, maqsadga yo'ltilrilgan ravishda ta'sir etish jarayoni

Mazmunan boshqarish o'zida boshqarish ob'ekti faoliyatini muvofiqlashtirishni va tartibga solishni ta'minlovchi boshqaruvin funksiyalari, tsikllari va jarayonlarining izchil tizimini ifodalovchi intellektual mehnatning bir turi sifatida qaraladi

Менежмент обекти хақида сўз юритганда, энг аввало, обект сузининг луғавий маносига этибор бериш керак бўлади. Шу манода обект – бу:

- умумий мақсадларга эришиш учун фаолияти онгли равища мувофиқлаштириладиган ташкилот инсонлар гурухи;
- биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга bog'lik бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлик;
- воқелик, моддий дунё, мавжудот;
- киши фаолияти, диққат-етибори қаратилган ҳодиса, нарса, шахс;
- хўжалик ёки мудофаа аҳамиятига эга бўлган корхона, қурилиш, айрим участка ва х.к.



Демак, обект тушунчаси микро воқелиқдан (киши ва унинг фаолиятидан) тортиб то макро воқелик (моддий дунё, жамият) даражасигача бўлган маънони ўз ичига олади. Масалан, ҳайдовчи ўз машинасини бошқара ололмаганлиги сабабли, у йўлдан чиқиб кетгани. Бу ерда бошқарув обекти бўлиб машина ҳисобланади. Ёки киши ўзини жуда

яхши бошқара олади. Бу ерда бошқарув обекти бўлиб киши, шахс ҳисобланади. Футбол командаси ёки шаҳар транспорти ҳаракатини бошқариш, туман, вилоят, мамлакатни бошқариш ва ҳ.к. менежментнинг ёки бошқаришнинг обектлариидир. Бошқариш ишини бажарувчи идоралар ва уларнинг раҳбарлари менежментнинг субекти, яни бошқарув органларни ёки менежерлар – бошқарувчилар булиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, обект ва субектларни қуидагича тавсифлаш мумкин:

Менежмент обекти ва субекти

МЕНЕЖМЕНТ		
№	Обекти (бошқарувчи ҳодиса обекти)	Субекти (бошқарувчи органи, раҳбарлик)
1. Макродарражада		
1	Мамлакат (республика)	-қонун чиқарувчи ҳокимият (Олий мажлис) -ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар маҳкамаси) -Суд ҳокимияти
2	Вилоят	-ҚҚР Жоқарг‘и кенгаши ва вилоят депутатлари -ҚҚР Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари -ҚҚР Олий суди, вилоятлар судлари
3	Туман	-Туман (шаҳар) халқ дупутатлари -Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари -Туман (шаҳар) судлари

2. Методарражада		
4	Консери (кўп тармоқли копорация)	-Қўмиталар ва уларнинг раислари
5	Сектор (Тармоқ)	-Вазирликлар ва вазирлар
3. Микродарражада		
6	Корхона (фирма) корпорация	-Жамоа кенгаши ва раислар .призидент
7	Ходимлар	-Корхона (фирма) раҳбарлари, бўлим бошлиқлари
8	Ишлаб чиқариш	-Корхона (фирма) раҳбарлари, бўлим бошлиқлари
9	Самарадорлик	-Корхона (фирма) раҳбарлари, бўлим бошлиқлари

10	Ўз-ўзини бошқариш	-Фуқоролар (оқсоқоллар)лар	йиғини,	райс
----	-------------------	-------------------------------	---------	------

Шундай қилиб, ҳар қандай ҳодиса ёки жараён негизи бошқариладиган обект ва бошқарувчи субект тизимларидан ташкил топади

Менежментнинг мақсади ва вазифалари.

Мақсад - бу муддао, мурод, яъни у ёки бу ниятга эришмоқ учун кўзда тутилган муштарак орзу. Айнан, шу мақсад киши фаолиятини, ўз орзуларини ушалишига йўналтиради. Биз дастлаб ўзимизнинг олдимиизда турган мақсадимизни аниқлаб оламиз, сўнгра эса шу мақсадимиз:

- бўлажак ҳаракатларимизни олдиндан аниқлаб беради;
- фаолиятимизнинг устувор йўналишини белгилайди;
- фаолиятимизни аниқ соҳа, ишга йўналтиради;
- у ёки бу фаолиятимизнинг зарурлик даражасини белгилаб беради;
- пировард натижамизнинг баҳолаш меъёрини белгилайди ва ҳ.к.

Менежментнинг бош мақсади-фаолият жараёнини оқилона ташкил этиш, кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги технологияларни қо’ллаш ё’ли билан ташкилотнинг фойдалилиги ва даромадлилигини таминлаш.

Менежмент фани - бу бошқарувчига танловни тўғри амалга оширишни ва ишchan қарорни қабул қилишни ўргатувчи фандир. Унинг асосий мақсади бозор муносабатлари шароитида барча бўғинларда ишлай оладиган юқори малакали бошқарувчиларни тайёрлашдан иборат. Шундан келиб чиқсан ҳолда бу фан қуидагиларни ўрганади:

- бошқариш назарияси ва амалиёти;
- бошқариш обекти ва субекти;
- бошқариш тамойиллари ва усуллари;
- бошқариш маданияти;
- менежер ва унинг фазилатлари;
- менежер рейтинги;
- бошқаришда киришувчанлик ва қарор қабул қилиш;
- бошқариш функциялари;
- ходимларни бошқариш;
- ишлаб чиқаришни бошқариш;
- самарадорликни бошқариш;
- ўз-ўзини бошқариш;
- ҳудудий бошқариш ва ҳоказолар.

Кўриб турибмизки, бу фаннинг мазмуни бошқарув тизими ва бошқарув обекти орасидаги ўзаро муносабат бўлиб, унинг асосий вазифаси талабаларга бошқарувнинг замонавий усулларини, раҳбарлик санъати сирларини ўргатишдан иборат.

Фанни ўқитиш талабаларда бошқариш муаммоларига нисбатан

қизиқиш уйғотиш, амалий ташкилотчилик фаолиятига иштиёқ туғдиришдан иборат. Чунки хозир бошқариш асосларини ўрганаётган талабалар келгусида бошқариш тизимининг ходимлари, кичик ва ўрта, катта жамоаларнинг раҳбарлари, корхона ва фирмалар иқтисодий, социал, ташкилий - техник фаолиятининг турли томонларини бошқариш бўйича лойихалар, тадбирлар ишлаб чиқишига даъват этилган мутахассислар бўлиб этишадилар.

Бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиши ҳам уларнинг зиммасига тушади.

Менежмент мақсади - айнан, шу мақсад киши фаолиятини, ўз орзуларини ушалишига йўналтиради. Биз дастлаб ўзимизнинг олдимизда турган мақсадимизни аниқлаб оламиз, сўнгра эса шу мақсадимиз:

- бўлажак ҳаракатларимизни олдиндан аниқлаб беради;
- фаолиятимизнинг устувор йўналишини белгилайди;
- фаолиятимизни аниқ соҳа, ишга йўналтиради;
- у ёки бу фаолиятимизнинг зарурлик дарражасини белгилаб беради;
- пировард натижамизнинг баҳолаш меъенини белгилайди ва ҳ.к.

Мақсаднинг илмий асосланганлиги ва тўғри белгиланганлиги бошқариш учун ўта зарур. Чунки айнан шу мақсадга биноан:

- бошқариш функциялари;
- бошқариш усуллари;
- бошқаришнинг тузилмавий таркиби;
- лавозимларни белгилаш ва кадрларни танлаш каби муҳим масалалар ечилади.

Бошқарув мақсади қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим.

Бошқарув мақсадига қўйиладиган асосий талаблар

Мақсад бир маъноли ва аниқ бўлиши керак.	<ul style="list-style-type: none"> • Агар сиз қаёққа боришни билмасангиз, у ҳолда бирор йўлни танлашга ҳам ҳожат қолмайди.
Мақсад реал ва бажарилиши мумкин бўлиши керак.	<ul style="list-style-type: none"> • Қайси томонга сузишни аниқ мақсад қилиб олмаган элканли қайиққа хеч қандай шамол ҳам хамроҳ бўла олмайди.
Мақсад миқдоран ўлчовга эга бўлиши керак.	<ul style="list-style-type: none"> • Мақсад - бу навбатдаги босқичда “жанг”, билан забт қилинадиган бамисоли чўққидир. Буни зинхор унутмаслик даркор. Шу “жанг”да ғолиб чиқиши учун бажарилиши мумкин бўлган реал мақсадни ўз олдимизга қўйишимиз керак. Ундан ортиқча ҳам, кам ҳам эмас, вассалом.
Мақсад барча бажарувчиларга тушунарли бўлмоғи даркор.	<ul style="list-style-type: none"> • Миқдоран ўлчовга, меёрга эга бўлмаган мақсад - бу сароб. Бу талабга риоя қилмаслик режалаштирилган мақсаднинг олдиндан бажарилмаслигига замин тайёрлаш демакдир.
Мақсад бўлимлар ва масъуллар бўйича деталлаш-тирилган	<ul style="list-style-type: none"> • Мақсад, уни бошқариш тамойиллари, пиро-вард натижага барчаси тушунарли ва ёзма равишда уларга содда тилда этказилиши керак.

бўлиши керак.	
Мақсад кўп қиррали бўлиши керак.	<ul style="list-style-type: none"> Мақсад хар бир фаолият тури, хар бир масъул шахс бўйича майда-чуйдасигача батафсил тақсимлаб чиқилган бўлиши лози Шундагина бу мақсаднинг ижро қилиниш даражасини аниқ назорат қилиш мумкин.

Узлуксиз мақсадлар деганда ҳар куни қабул қилинадиган ва амалга ошириладиган одатий мақсадлар тушунилади. Масалан, меҳнат унумдорлигини ўстириш, интизомни мустаҳкамлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш, маҳсулот сифатини ошириш кабилар мунтазам, кунда талаб қилинадиган мақсадлардир. Фурсатли мақсадлар деганда бирор бир муаммони ҳал этиш зарурияти туғилган ҳолларда пайдо бўладиган мақсадлар тушунилади. Масалан, корхонани қайта ускуналаш, жиҳозларни янгилаш, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувини ўзгартириш гоҳо ишлаб чиқаришнинг иқтисодий заруриятига қараб пайдо бўлади. Бошқариш жараёнида бир марталик мақсадларга ҳам зарурият туғилиши мумкин. Бундай мақсадлар, одатда, корхона учун кутилмаган, фавқулодда вужудга келган муаммони эчиш учун ўртага қўйилади. Бу мақсад, масалан, табиий оғат юз берган ҳолда шу оғатни бартараф қилиш учун зарурий маблағни ажратиш кўринишида бўлиши мумкин. Бошқаришга мақсадли ёндошув намоёндалари барча мақсадларни қўйидаги тўртта гурухга бўлишади:

- оддий қотиб қолган анъанавий мақсадлар;
- муаммоли мақсадлар;
- инновацион мақсадлар;
- ходимлар малакасини, маҳоратини ошириш бўйича мақсадлар;

Биринчи гуруҳдаги мақсадлар ҳар кун қабул қилинадиган ва амалга ошириладиган одатий мақсадлар бўлиб, уларнинг бажарилишини таъминлаш тегишли бўғиндаги раҳбарнинг бевосита бурчига киради. Масалан, маркетинг бўлимининг бошлиғи олдида қўйидаги мақсад қўйилган бўлиши мумкин: “Ойнинг охиригача жорий йилнинг сўнгги кварталида сотилган товарларнинг таҳлилини қилиш ва тегишли хulosалар ясаш”. Бу анъанавий мақсаддир.

Иккинчи гуруҳдаги мақсадлар одатий мақсадлардан фарқ қиласди. Бу мақсадлар корхонага ва айрим ходимга қийинчиликлар туғдиради. Масалан, маҳсулотга бўлган талабнинг тўсатдан кескин пасайиши ва сотиш ҳажмининг камайиши, табиий равишда корхонанинг оладиган фойдасига салбий таъсир кўрсатади. Шундай бир шароитда корхона раҳбари олдида вазиятни ўзгартириш, сотиш ҳажмини, айтайлик, икки ой ичida кескин кўпайтиришдек мураккаб масала туради. Бу мақсад муаммоли мақсаддир. Чунки сотиш ҳажмини қисқа муддат (2 ой) ичida кескин кўпайтириш:


- маҳсулотга бўлган талабнинг кескин пасайиши сабабларини аниқлашни;
- кўп омилли корреляцион - регрессион таҳлилни амалга оширишини;
- энг мақбул қарорлар қабул қилишини тақоза этади. Бунга бош

қотириши, ақлни ишилатиши керак бўлади.

Инновацион мақсадлар – бу янги маҳсулотни ишлаб чиқариш, янги технологияни жорий қилиш бўйча қўйиладиган мақсадлардир. Масалан, тадқиқот бўлими ходимларининг мақсади қўйидагича бўлиши мумкин: “1 июлгача экспорт учун мўлжалланган уч турдаги янги маҳсулотни сановдан ўтказишни таъминлаш”. Мақсад қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик у бошқарувчи учун муаммоли ёки инновацион бўлиши мумкин. Бироқ, бир мақсаднинг ўзи бирор учун оддий, бошқа учун муаммоли, хатто инновацион бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда раҳбар ўша мақсадни эчиш усусларини мукаммал билади, яъни бунинг учун унинг билими, маҳорати этарли бўлиб, уни ҳеч қандай қийналмай эчади. Бошқа раҳбар эса у мақсадни ўзи учун мураккаб ва муаммоли тариқада қабул қиласди. Масалан, маркетинг бўлими ходими учун “кварталда сотиладиган товарлар таҳлилини қилиш” оддий бир иш бўлса, сотиш бўлимидағи ходим учун бу иш муаммо бўлади.

Тўртинчи гурӯҳ мақсадлар - бу корхона ходимлари малакасини ошириш соҳасидаги мақсадлар бўлиб, улар узок муддатли (стратегик) режа асосида мунтазам равишда амалга оширилиб борилади. Масалан, “3-5 йил ичида корхона ходимларнинг 20 фоизини малакасини ошириш”. Корхона умумий мақсадининг самарадорлиги якка, яъни ҳар бир ходим мақсадининг қанчалик тўғри аниқланганлиги ва нақадар самарали адo этилганлигига боғлиқ бўлади. Шу сабабли ҳар бир ходим олдига қўйиладиган мақсадга нисбатан қўйидаги талаблар қўйилади.

- Ходим мақсади юқори бўғиндаги бўлимлар мақсадига бўйсиниши, унга мос бўлиши керак. Образли қилиб айтганда айрим ходимларнинг мақсадлари юқори поғонадаги (хусусий, локал, умумий) мақсадлар қаноти (каскади) остида бўлиши керак



Мақсадлар каскади (поғоналари)

Шундагина якка мақсадлар корхона мақсадининг самарали бўлишига хизмат қиласи.

- ходим ўз олдига қўядиган мақсадларнинг сони 4 тадан 8 тагача бўлиши, ундан ошмаслиги керак. Агар уларнинг сони бундан ошса, у ҳолда ходим кутган натижасини ололмайди, оқибатда корхонанинг умумий мақсадига путур этказади.

- якка мақсаднинг ҳам пировард натижаси ва аниқ муддати белгиланган бўлиши керак. Акс ҳолда у мавҳумликка юз тутади.

- режалаштириладиган мақсад қийинчилик билан эришиладиган, шу билан бирга, амалга ошириш мумкин бўлган даражада бўлиши керак. Умуман ҳар бир киши ўз мақсадига эришишнинг энг оғир ва мураккаб йўлини танлаши керак. Ҳар доим ҳам ўз мақсадининг жуда осонлик билан ҳал бўлишига умид боғламаслиги даркор. шундагина у ҳар қандай кутилмаган муваффақиялизликка тайёр бўлади, дарровгина тушкунликка тушмайди. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Агар мақсад мураккаб бўлиб, унинг устига-устак бажарилиши гумон бўлса, бундай ҳол ҳам бошқаришни ижобий натижаларга эришишдан маҳрум этади.

- Ҳар қандай мақсаднинг самарадорлиги эришилган натижага тўғри баҳо берилишига ва уни рағбатлантириш даражасига боғлиқ. Агар эришилган натижага адолат юзасидан баҳо бериш ва уни тегишли равишда рағбатлантириш одат тусига кирган бўлса, у ҳолда бу корхонада ўрнатилган бошқариш усули равнақ топиб бораверади.

Мақсад, хусусан, умумий (бош) мақсад жуда кенг қамровли ва ўта мураккаб категориядир. Унга қуйидаги сифатлар хос:

- тобъе бўлишлик;
- ёйиб бўлишлик;
- ўзаро муносабат (боғланиш)да бўлишлик;

Мақсаднинг тобелиги деганда мақсадни қўйиш ва уни амалга оширишнинг мавжуд шарт-шароитларга боғлиқлиги, ёхуд стратегик мақсаднинг қатор тактик мақсадларга, истиқболдаги мақсаднинг эса ўрта ва қисқа муддатли мақсадларга боғлиқлиги, бир мақсаднинг бошқа мақсадга бўйсимиши тушунилади.

Мақсаднинг ёйиб бўлишлиги сифати деганда унинг

- ўз моҳияти бўйича;
- амалга ошириш даври (вақти) бўйича;
- поғоналар бўйича;
- бўғинлар ва ҳоказалар бўйича бир қатор локал ва хусусий мақсадларга ёйилиши тушунилади.

Мақсаднинг ўзаро муносабат (боғланиш)да бўлишлик сифати деганда унинг муҳимлиги жиҳатдан ранжирланиши, тартибланиши тушунилади. Мақсаднинг бу жиҳати барча локал, хусусий ва якка мақсадларни устуворлиги бўйича тартиблаш, шунингдек мазкур мақсадларни амалга ошириш бўйича аниқ амалий тадбирларни ишлаб чиқиш имконини беради. Мақсаднинг муайян иерархияга эга эканлиги, яъни бир мақсаднинг бошқа бир мақсадга бўйсимиши, юқори мақсаднинг қути мақсадларга эга

бўлиши, мақсадларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлиши уларни қандайдир бир тартибга солиш заруриятини туғдиради. Бундай вазифани бажариш учун менежмент фанида “мақсадлар шажараси” деб аталган маҳсус усул қўлланилади.

Менежмент функциялари.

“Функция” - бу лотинча сўз бўлиб бирор кимса ёки нарсанинг иш, фаолият доираси, вазифаси деган маъноларни билдиради.

“Вазифа” - бу амалга оширилиши, хал қилиниши лозим бўлган масала, эришилиши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад. Ёки бирор бир топширик, хизмат, юмуш, хизмат лавозими, мансаб, амал.

“Функция” тушунчаси “вазифа” тушунчасига нисбатан тор маънога эга. Зеро, функция факат ўз фаолият доирасидаги вазифаларни ўз ичига олади. Масалан, маркетологнинг ишини бажариш корхона мухандисининг функциясида кирмайди, чунки у шу бевосита маркетолог фаолияти доирасидаги юмушдир. “Вазифа” эса ўз фаолият доирасидан ташқарида ҳам бўлиши мумкин. Бошқариш функцияси деганда у ёки бу обектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни хал этишга қаратилган бир турдаги ишлар мажмуаси тушунилади.

Демак, бошқарув муайян функциялар орқали амалга оширилади. Функцияларни аниқлаш, уларнинг моҳиятини очиш ва ўрганиш бошқарув жараёнини тўғри ташкил қилишнинг мухим шартидир.

Менежмент қўйидаги функцияларни бажаради:

1. Режалаштириш
2. Ташкил қилиш
3. Мотивация
4. Назорат

Режалаштириш - фаолият мақсадларини, бунинг учун зарур бўлган ресурсларни аниқлаш, мақсадларга эришиш усулларини ишлаб чиқиш, ташкилотни келажакдаги ривожланишини прогноз қилиш.

Ташкил қилиш - ташкилот тузилмасини шакллантириш, уни ресурслар (моддий, молиявий, меҳнат) билан таминлаш.

Мотивация - ходимларни фаоллаштириш, иқтисодий ва маънавий жихатдан рағбатлантириш ҳамда ходимларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун шароитлар яратиш ёрдамида ташкилот мақсадларига эришишни қўзлаб самарали ишлашга руҳлантириш.

Назорат - иш натижаларини миқдорий ва сифат жихатдан баҳолаш ҳамда хисобини олиш, режаларни, меёrlарни, қарорларни корректировка қилиш.

Менежмент бутун бошқарув тизимининг узлуксиз амал қилиши жараёнини ифодалайди. У меҳнат жараёнининг барча хусусиятларига эга. Умуман менежмент жараёнини технология (қандай амалга оширилади), ташкил этиш (ким ва қандай тартибда) нуқтаи назаридан тавсифлаш мумкин. Менежмент жараёни мазмунининг уч жиҳатини ажратиш мумкин: техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий.

Техникавий жиҳатдан - бу маҳсулот ишлаб чиқариш, металл ёки нефт ажратиб олишни бошқариш; ишлаб чиқаришда - бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёни, яъни бўлинма, сех, корхоналар ўзаро таъсирини бошқариш, иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқариш, иш кучи ва бутун иқтисодий муносабатлар тизимиға раҳбарлик қилиш, ижтимоий жиҳатдан - бу меҳнат жамоаси ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, инсонни тарбиялашдир. Менежмент жараёни технологияси менежмент ходимлари томонидан бажариладиган операция ва амаллардан иборатдир. Шундай қилиб, менежмент жараёни раҳбар ва бошқарув аппаратининг қўйилган мақсадларга эришиш учун кишиларнинг биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш бойича мақсадли ҳаракат қилишидир. Менежмент фаолиятини амалга ошириш тартибига кўра уни қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин: мақсад, вазият, муаммо, қарор қабул қилиш. Ҳар бир таъсир этишни амалга оширишдан аввал унинг мақсади аниқланиши лозим, чунки бошқарув м аълум мақсадга эришиш учун амалга оширилади. Менежментнинг кейинги босқичи бошқарув жараёнидаги вазиятни таҳлил этишдан иборат. У тизим нинг ҳолатини баҳолаш, уни яхшилаш йўлларини излаш ёки ундаги салбий ҳислат-ларни бартараф қилиш билан боғлиқ ишларни тавсифлайди. Муаммо босқичида тизимнинг ҳозирги ҳолатини унинг ривожлантириш мақсадига нисбатан қарама-қаршиликларини аниқлаш кўзда тутилади. Қарор қабул қилиш босқичи раҳбарнинг амалда ташкилий фаолиятига ўтишини ифодалаб, қарор қабул қилиш билан бошқариладиган тизимга таъсир ўтказила бошланади. Менежмент жараёнини, шунингдек, қуйидаги даврларга бўлиш мумкин: мақсад кўйиш, ахборот фаолияти, таҳлилий фаолият, менежмент тизимида ташкилий-амалий фаолият ва ҳаракатлар вариантларини танлаш. Менежмент операциялари - раҳбар ва бошқарув аппаратининг оддий ҳаракатлари бўлиб, уларнинг тартиби ва бирикиши натижасида бошқарув жараёни ташкил топади. Масалан, таҳлилий фаолият учун корхонанинг йиллик ва ойлик ҳисботларини олиш, улар бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни бошқарув жараёнига татбиқ қилиш лозим. Бошқарув жараёнини амалга ошириш воситаларига, энг аввало, ахборотни киритиш лозим. Менежмент операцияларининг катта қисми ахборот билан ишлашдан иборатдир. Бошқарув аппарати ишида кенг қўлланиладиган техника воситалари ҳам шулар жумласига киради. Булар ахборот олиш ва қайта ишлаш воситалари ва анъанавий оргтехника воситаларидир. Менежмент операциясини амалга ошириш усуллари - ахборот-таҳлил ва ташкилий фаолиятдир. Ахборот-таҳлил фаолият ахборот йиғиш, сақлаш, тарқатиш ва қайта ишлаш, таҳлил, ҳисоб, қарорлар вариантларини ишлашдан иборат. Ташкилий фаолиятга - тушунтириш, ишонтириш, рағбатлантириш ва вазифаларни тақсимлаш усуллари, фаолиятни назорат қилиш, мажбурлаш ва ҳ.к.лар киради. Менежмент учун фақат нимани қандай қилишни ҳал этиш эмас, балки ташкил этиш, қизиктириш, ишонтириш, тушунтириш, назорат қилиш ҳам зарур. Айни шу операциялар йиғиндисидан раҳбарнинг ташкилий

фаолияти ташкил топади. Менежмент жараёнини ташкил этишда бизнес-режа ва таъминот, молиялаштириш ва бизнес-режа, нархни белгилаш ва кредит бериш функцияларини боғлашни таъминлаш, менежмент тизими айрим унсурларини (мақсад-усул, мақсад ва кадрлар, қарорлар ва усуллар, усулиар ва таркиб) мувофиқлаштириш, бошқарув кадрларини тайёрлаш, фан-техника ютуқларини жорий этишни таъминлаш зарур. Корхоналарга эркинлик ва мустақиллик берилиши билан ҳал қилиниши лозим бўлган менежмент жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ муҳим муаммо расман бир-бири билан боғлиқ бўлмаган бошқарув ташкилотлари ўртасидаги горизонтал алоқаларни амалга ошириш бўлиб қолди (масалан, корхона ва маҳсулот истеъмолчилари, хом ашё билан таъминловчилар ва корхона ўртасида ва х.к.). Менежментнинг жараён сифатидаги моҳияти унинг вазифаларида ифодаланади. Менежмент вазифалари деганда бошқарув бўйича маълум масалаларни ҳал этишга қаратилган ҳаракат йиғиндиси тушунилади. Менежмент вазифалари, аввало, бошқарилувчи обектнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш таркибига мос равишда қуидагиларни акс эттирувчи вазифалар мавжуд бўлади:

- иқтисодиётнинг тармоқ таркибини;
- унинг ҳудудий таркибини;
- ишлаб чиқаришнинг алоҳида унсурларини.

Миллий хўжаликнинг тармоқ таркиби менежмент олдига моддий ишлаб чиқаришни бошқариш ва номоддий ишлаб чиқаришни бошқариш каби вазифа қўяди. Биринчи соҳа таркибида ишлаб чиқариш ва муомала соҳаларини бошқаришни ажратадилар. Ишлаб чиқариш соҳасини бошқаришга саноат ва унинг тармоқларини бошқариш, қурилишни, транспорт, алоқани бошқариш вазифалари; муомала соҳасини бошқариш вазифаларига - савдони, м олия, моддий-техникавий таъминот, маданият, таълим соҳаларини бошқаришни қам-раб олади. Ишлаб чиқаришни бошқариш вазифаларининг ҳудудий таркибига республика, вилоят, шаҳар, туман миқёсидаги менежмент вазифалари киради. Ишлаб чиқаришнинг бошланғич бўғини - корхонани бошқариш муҳим вазифадир. Менежмент вазифалари бошқарув ташкилотлари, бажарувчилар ва бошқарув аппарати вазифаларини белгилаб беради.

Менежмент жараёнини бажариладиган вазифалар бўйича таҳлил этиш ҳар бир вазифада иш ҳажми, бошқарувчи ходимлар сонини аниқлаш, ва ниҳоят, бошқарув аппарати таркибини лойиҳалаш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Бошқарув ташкилотининг асосий ва аниқ вазифалари ажратилади. Асосий вазифалар ҳар бир корхона ва бошқарувнинг барча даражаси учун хосдир. Улар жумласига қуидагилар киради:

- а) маркетинг;
- б) бизнес-режа;
- д) тартибга солиш;
- е) ташкил этиш;
- г) рағбатлантириш;

- г) назорат ва ҳисоб;
- х) ундаш;
- и) режалаштириш.

Ғарб менежментининг бугунги замонавий назарияси бошқариш функцияларини туркумлашда энг аввало унинг қуидаги асосий (умумий) функцияларига устуворлик беришади:

- *режалаштириши;*
- *ташкил қилиши;*
- *тартибга солиш ва мувофиқлаштириши;*
- *назорат;*
- *разбатлантириши (мотивлаштириши).*

Менежмент функцияларининг мазмуни у ёки бу фаолиятни ташкил қилишдан келиб, чиқади. Масалан, ишлаб чиқарышни олайлик. Унинг дастлабки босқичида:

- лойихалаш;
- конструкторлик;
- режалаштириш каби ишларни бажариш билан боғлиқ функциялар пайдо бўлади.

Кейинги функциялар ишлаб чиқарышни тайёрлаш, яъни,

- маҳсулот тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиши;
- меҳнат нормалари, материаллари сарфини белгилаш;
- асбоб-ускуналарни тайёрлаш каби ишларни бажариш билан боғлиқ функциялар пайдо бўлади.

Енди қуида менежмент функцияларига атрофлича тўхталамиз:

Режалаштириш	<ul style="list-style-type: none"> - бошқаришнинг асосий ва дастлабки функциясидир. Ҳар қандай бошқариш режа тузишдан бошланади. <p>Бу режада:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бошқарув мақсадлари ва вазифалари, уларни реализация қилиш муддатлари белгиланади; - вазифаларни амалга ошириш усуллари ишлаб чиқилади; - халқ хўжалиги бўғинларининг ўзаро алоқалари ўрнатилади; - Режалаштиришнинг умумийлик хусусияти шундаки, бунда хар бир бошқарув ходими ўзининг шахсий ишини режалаштиради, ўз иш жойининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқади, режаларни қандай бажараётганини назорат қилишни уюштиради.
Ташкил қилиш	<ul style="list-style-type: none"> - Бу функция бошқарув обекти доирасида барча бошқарилувчи ва бошқарувчи жараёнларнинг уюшқоқлигини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан ташкил қилиш ички ва ташқи шарт-шароитларнинг ўзгариб

	туришига қараб амалдаги тизим таркибини такомиллаштириш ёки янгисини тузиш демак дир. Бу функция жорий ва стратегик режаларнинг ижросини таъминлаш бўйича биринчи қадамдир.
Мувофиқлаштириш ва тартибга солиш	<p>- Режалаштириш бошқаришнинг стратегияси хисобланса, мувофиқлаштириш бошқаришнинг тактик масалаларини хал қилиб беради. Бу функциянинг асосий вазифаси оқилона алоқалар ўрнатиш йўли билан бошқариладиган тизимнинг тури қисмлари ўртасида келишиб иш олиб боришни таъминлашдир.</p> <p>- Мувофиқлаштириш маблағларни тежаш мақсадида башқарувдаги паралелизм ва бир-бирини тақрорлашни бартараф қилиш имконини беради. Бундан ташқари, у турли тармоқлар ўртасида ресурсларни тақсимлаш йўли билан нисбат ва мутаносибликни, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги муносабатни ўрнатади.</p> <p>- Тартибга солиш мувофиқлаштиришнинг давоми бўлиб, у содир бўлиб турадиган оғишларни бартараф қилиш йўли билан ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишни мақсад қилиб қўяди. Унинг ёрдами билан вужудга келиши эҳтимол тутилган оғишларнинг олди олинади.</p>
Назорат	<p>- Бу функциянинг мақсади “тутиб олиш”, “айбини очиш”, “илинтириш” эмас, балки бошқарув объектида содир бўлаётган жараёнларни хисобга олиш, текшириш, таххил қилиш ва маълум тартибда шу обект фаолиятини ўз вақтида созлаб туришдир. Назорат ўрнатилган меъёрий ҳужжатлардан, режа лардан оғишларни, уларнинг жойи, вақти, сабаби ва хусусиятларини аниqlаш имконини беради.</p> <p>- Таъсирчан назоратни ташкил қилиш хар бир раҳбарнинг функционал ишидир.</p>

Менежмент тамойиллари

Қонун - бу давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, хамма учун мажбурий бўлган ижтимоий хуқуқий норма ва муносабатларни белгиловчи расмий қоида. Масалан, Конституция Ҷўзбекистоннинг асосий қонунидир. Тўқиз йиллик мажбурий таълим хақида қонун ва х.к.

Қонун - бу бажарилиши шарт, мажбурий бўлган, норма, қоида тусига кирган талаб, топшириқ ва шу кабилар, яъни жамиятда, ижтимоий груух ва шу кабиларда қабул қилинган одат тусига кирган қоида, расм, одат.

Тамойил - майл, мойиллик, тенденция.

“Принцип” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, асос, дастлабки, яъни

хатти-ҳаракат ёки фаолиятнинг асосий қоидаси, раҳбар ғоя маъноларини билдиради. Принципларни менежмент фани ва амалиётининг пойдевори дейиш мумкин.

Қонун ва тамойилларда менежментнинг обекти ва субекти ўртасидаги обектив, муҳим, тақорланадиган, нисбий, турғун, аниқ муайянлик ва моҳият билан умумий боғланиш ва алоқадорлик ўз ифодасини топади. Бу умумий боғланиш ва алоқадорликлар маълум шарт-шароитларда воқеалар ривожининг йўналиши ва хусусиятини белгилаб беради.

Бундан кўриниб турибдики, менежментнинг қонун-қоидалари ва тамойиллари фақат ҳамма учун мажбурий бўлган норма, қоида, расм-руsum, мойилликлар орқали таърифланиши ва ифодаланиши мумкин.

Менежментнинг тамойиллари:

- | | |
|-------------------------------|---|
| Демократия-
лаш тамойили | - оммани бошқаришга кенг кўламда жалб қилишни, кенгаш ва маслаҳат билан ишларнинг бажарилишини талаб қиласи. |
| Иерархия
тамойили | - бошқаришнинг поғоналигига асоланади. Бу тамойил, бир томонидан, марказий, иккинчи томондан эса, вилоят шаҳар ва туманлар даражасидаги давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув идораларининг вазифаларини аниқ белгиланишини талаб қиласи. Самарасиз бошқарув бўғинлари қанчалик кўп бўлса, шунчалик бошқарув жараёни чигаллашади. |
| Режалаштири
ш тамойили | - бошқариш бўғинлари ўртасидаги тараққиёт нисбатларини аниқлайди, шартномаларнинг бажарилишини ташкил қиласи ва назорат қиласи. |
| Яккаҳоким-
лик тамойили | - бошқариш тайинланган шахс томонидан бажарилиб, унга бошқариладиган обект, унинг мол-мулки, пул маблағлари ишониб тоширилади. Якка ҳокимлик бошқаришда жиддий тартиб ва меҳнат интизомини таъминлайди. Бунда “Кўплашиб муҳокама қилмоқ кераг-у, лекин масъулият якка бир кишида бўлмоғи керак” деган принцип амал қиласи. |
| Илмийлик
тамойили | - менежерлардан чуқур билимни, ўз соҳаси бўйича иқтисод, мантиқ, руҳият, математика, чет тили, технология каби фанларни яхши билишини талаб қиласи. Шу билан бирга унинг савияли ташкилотчи, ташаббускор ғояларга бой, изланувчан, бозор конъюнктурасини яхши биладиган, таваккал қилишдан қўрқмайдиган мутахассис бўлишини талаб қиласи. |
| Қайта
алоқалар
тамойили | - Топшириқни беришда тушундингларми? деб сўраш этарли эмас. Бундай саволга жавобгар шахслардан тасдиқловчи жавобни, топшириқни тўғри тушунганлигини сўраш керак. |
| Жавобгарлик
тамойили | - бу тамойил, энг аввало, бошқарувчиларнинг жавобгарлигини назарда тутади. Бажарувчанлик маданияти паст, масъулияцияз раҳбар корхона ва ходимларнинг шўри. |

Менежер учун хуқуқий жавобгарлик ўта юқори бўлиши керак.

Шундай қилиб, бошқариш тамойили (принсиби) деганда бошқарув органлари ва раҳбарлари фаолиятининг заминини ташкил этувчи асосий қонун-қоидалар тушунилади. Бошқариш тамойиллари-бу бошқарув амалиётида обектив қонунлардан онгли фойдаланиш шаклларидандир.

Бошқарув тамойилларининг шаклланиши чуқур тарихий илдизларга эга. Хусусан, Туркистонда бу тамойиллар Амир Темур хукмронлиги даврида шакллана бошлаган. Ўзининг ихчам, тезкор бошқариш девонига эга бўлган Марказий Осиёдаги Туркистондек буюк давлат

- илмийлик;
- якка хокимлик;
- иерархия;
- билимдонлик;
- демократия каби тамойиллар асосида бошқарилган.

Хуросонлик йирик шайх ва шайхуислом, Амир Темурнинг эътиқод қўйган, пирларидан, тинчликсевар ва раиятпарвар инсон Зайнуддин Абубакир Тойбодий Темурга мактуб ёзиб унинг салтанат юмушларида куйидаги “тўрт ишни қўллашини айтган, яъни:

- 1) Кенгаш;
- 2) Машварату маслахат;
- 3) Хушёрлигу мулохазакорлик;
- 4) эҳтиёткорлик.

Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслахат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан. Яна шуни ҳам билгилким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлгай, яна бир қисми эса билиб-бilmасликка, кўриб кўрmasликка солиш билан битур. (Хуллас) тадбирлардан огоҳ қилингандан кейин шуни айтиш жоиздирким, қатъийлик, сабр, чидамлилик, хушёрлик, эҳтиёткорлик, ва шижаот билан барча ишлар амалга оширилгай. Вассалом”

Мактубни ўқиб Амир Темур ўз Тузукларида: “У менга салтанат ишларининг тўққиз улуши машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улуш эса қилич билан бажо келтиришни англатди...

Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижаот сохиби, азми қатъий, тадбирлар ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради”-деб ёзган эди.

Ингл. *Human Resource management, HR-менежмент* — ташкилотни унга юклатилган меҳнат функсияларини бажаришга лаёқатли сифатли ходимлар билан таъминлашга ҳамда улардан оптималь фойдаланишга йўналтирилган билимларга амалий фаолиятлар соҳаси. Бошқариш вазияти - маълум бир вактда аниқ бошқариш соҳасида юзага келган ташқи, ички, обектив ва субектив шароитларнинг йифиндисидир. Бошқариш фаолиятида раҳбар оддий, мураккаб, комплекс каби турли ҳаракат дастурини талаб қиласиган кундалик, оралик ва истиқболли муаммоларга дуч келади.

Буларга: хўжалик бирликлари ва бошқариш участкаларини мустахкамлаш; хизмат қилиш ва технологик жараёнларни қисқа муддатда сифатли қилиб амалга оширадиган жамо аниқ шакллантириш; бўлинмалар ўртасида пайдо бўладиган номувофиқликни бартараф қилиш; жамоада вақти - вақти билан содир бўлиб турадиган келишмовчиликларнинг олдини олиш муайян бир вазиятлармос келадиган бошқаришнинг ташкилий тизимини ва янги иш услубларини жорий қилиш ва хоказолар. ҳар бир вазиятни асосий мақсадга эришишга таъсир қиласидиган даражаларига қараб бир қанча алохидага унсурларга бўлиш мумкин. Вазиятдаги унсурлар ўзгарувчи ва доимий бўлади. Тажрибали менежер, амалиётда вазиятлар ичидан энг зарур унсурни тез ва аниқ ажратса билиши керак. Бу унсурларга куйдагиларкиради: тузилган кундалик ва истиқболли режаларни бажариш ҳолати бошқариш участкаларида кадрларнинг салохияти (потенциали), меҳнат унумдорлиги корхона ва ташкилотда моддий - техник базасининг ҳолати ва уларни ўзгартириш имкониятлари ҳар бир аниқ учаскада бошқаришни мақсад ва вазифалари, уларнинг келажаги:

- *корхона ва ташкилотлардаги моддий ресурсларга қўйилган мақсад ва вазифалар ўртасидаги мувофиқлик;*
- *тартибга солишнинг асосий омиллари, вазифасини бажарии учун керак бўлган шароитларни ҳисобга олиш;*
- *атроф муҳитдаги шароит ва раҳбарларнинг муносабати;*
- *ташиғи ва ички бозорни ўрганиш;*
- *корхона ва ташкилотлардаги моддий ва маънавий разбатлантиришининг самарадорлиги; раҳбарларнинг ишчанлиги;*
- *раҳбарларнинг ҳолати (унинг обектив ҳолати, обруси, тутган ўрни).*

Юқоридаги бошқариш вазиятларини чуқур ўрганиш раҳбарларга келажакда стратегик ҳаракатлар дастурини тузишга имконият туғдиради.

Назорат саволлари

1. Бизнес сўзи қайси тилдан олинган ва қандай маънони англатади?
2. Тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
3. Тадбиркорлик фаолияти субектлари кимлар?
4. Менежмент деганда қандай мъяно тушунилади?
5. Менежментнинг бош мақсади нималардан иборат?
6. Ташкилот мақсадларини амалга ошириш менежментнинг вазифалари қайсилар?
7. Менежер деганда кимларни тушунасиз?
8. Бошқариш обекти деганда нимани тушунасиз?
9. Бошқариш субекти деганда нимани тушунасиз?
- 10.Менежментнинг режалаштириш функциясини тушунтиринг?
- 11.Менежментнинг ташкил қилиш функциясини тушунтиринг?
- 12.Менежментнинг мотивациялаш функциясини тушунтиринг?
- 13.Менежментнинг назорат функциясини тушунтиринг?

14.Иновацион мақсадлар нима?

Фойдаланилған адабиётлар

- 1.L.R.Dabay and others/Principles of business/2012.600p.
- 2.Jeef Madura/ Introduction to business/ Florida Atlantic University/Paradigma Publishing Inc. 2010.694p.

З-мавзу. Бизнес ва технология

Режа:

- 3.1.Маҳсулот ва хизматлар самарадорлигини ривожлантириш.
Маҳсулотга нарх белгилаш ва етказиб бериш. Режани силжитиш.
- 3.2.Бизнес ва технология. Молиявий менежмент. Ишлаб чиқариш ва бизнес фаолияти. Ишлаб чиқариш турлари. Ишлаб чиқариш режаси. Бизнесни бошқариш ва режалаштириш.
- 3.3.Риск бошқаруви. Инвестиция стратегияси ва омонат. Суғурта.

Таянч иборалар: *ахборот тизимлари, ахборот технологиялари, корпоратив ахборот тизимлари, иқтисодий ахборот, автоматлаштирилган иши жойи,*

Бошқарувнинг ахборот тизими:

- бу ахборотлар, иқтисодий-математик усуллар ва моделлар, техник, дастурий, бошқа технологик воситалар ва мутахассислар, шунингдек қайта ишлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун мўлжалланган ахборотлар йифиндиси
- бу ахборотлар, иқтисодий-математик усуллар ва моделлар, техник, дастурий, бошқа технологик воситалар ва мутахассислар, шунингдек қайта ишлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун мўлжалланган ахборотлар йифиндиси

Ахборот технологияси (АТ)

иқтисодий объектнинг бошқарув вазифаларини бажариш учун дастурий-аппарат таъминоти негизида ахборотни йиғиш, рўйхатга олиш, узатиш, жамлаш ва қайта ишлаш операцияларини амалга ошириш усул ва воситаларини қўлловчи жараён

Ахборот технологияси учун автоматлашган ахборот тизимлари

- бу маълумотларни ўзгартириш воситалари ва усубларидан иборат бўлган асосий муҳит

Автоматлашган ахборот технологиясининг асосий мақсади

дастлабки маълумотларни қайта ишлаш орқали оптималь бошқарув қарорлари ишлаб чиқилишига асос бўлувчи янгича сифатдаги ахборотни олиш

Ташкилотни автоматлашган ахборот технологияси стратегиясини танлаш қўйидаги омиллар билан белгиланади:

- корхона ёки ташкилотни фаолият юритиш соҳаси;
- корхона ёки ташкилот тури;
- ишлаб чиқариш-хўжалик ёки бошқа фаолияти;
- корхона ёки ташкилотни бошқариш модели;
- бошқарувнинг янги вазифалари;

- мавжуд ахборот инфратузилмаси.

Кичик корхоналарда

ахборот технологиялари, одатда, бухгалтерия ҳисоби масалаларини ҳал этиш, бизнес-жараёнларнинг алоҳида турлари бўйича ахборотларни жамлаш, корхона фаолияти йўналишлари бўйича ахборотлар базасини ташкил қилиш, фойдаланувчиларнинг ўзаро ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар билан алоқа қилишлари учун телекоммуникация муҳитини ташкил этиш билан боғлиқ бўлади

Ўртача корхоналарда

бошқарув бўғини учун электрон хужжат айланишининг амал қилиши ва уни конкрет бизнес-жараёнлар билан боғланганлиги катта аҳамият касб этади. Бундай ташкилотлар (корхоналар, фирмалар) учун фирма фаолияти билан боғлиқ бўлган функционал вазифалар кўламини кенгайтириш, турли форматлардаги хужжатларни жамлаш, қидириб топиш, ахборотлардан беруҳсат фойдаланишдан химоялаш ва ш. к. имкониятини берувчи ахборотларнинг автоматлашган омбори ва архивини ташкил қилиш характерлиdir.

Йирик ташкилотларда (корхоналарда)

ахборот технологияси телекоммуникацион алоқа воситалари, кўп машинали комплекслар, ривожланган “мижоз-сервер” архитектураси, юқори тезлиқдаги корпоратив ҳисоблаш тармоқларини қўллашни ўз ичига оловчи замонавий-аппарат комплекси негизида қурилади

Ахборот-компьютер технологиялари

Ахборот-компьютер технологияларини қўллаш менежер ва мутахассиснинг интеллектуал ва психологик сарфларини камайтириш имконини беради, бу, бир томондан, унинг шахсий ресурсларини янада масъулиятлироқ вазифаларини бажариши учун бўштади, бошқа томондан – тажрибаси катта бўлмаган мутахассисларни ишлатиш имкони туғилади (ҳисоблаш техникасиз катта тажриба ва малакага эга бўлган менежер ёки мутахассис талаб қилинган бўлар эди).

Ҳар қандай менежер меҳнатининг **яқуний маҳсулӣ** - бу **қарорешиения** ва **ҳаракатлар**. У томонидан қабул қилинган қарор корхонани ривожлантиради ёки муваффақиятсизликка олиб келади. **Қарор қабул қилиш** – бу ҳар доим фаолият йўналишини бир нечтасидан маълум бирини танлаш.

Тарих нуктаи назаридан автоматлаштириш даставвал ишлаб чиқаришда вужудга келди ва сўнг офисга тарқалди. Дастрлаб асосий мақсад қилиб секретар ишини автоматлаштириш олинган еди. Коммуникация воситалари ривожланган сари офис технологияларини автоматлаштириш мутахассислар ва бошқарувчиларни қизиқтира бошлади. Зоро унда ўзларининг ишларини унумдорлигини қўтариш имконияти кузатилди.

Офисларни компьютерлаш уч босқичда ўтди. Дастрлабки ЕХМлар улкан марказлашган қурилмалар бўлиб, уларга хизмат қилган мутахассислар беҳисоб ахборот: тўлов қофозлари, инвентар ёзувлар, обуначилар рўйхати, тўлов ҳисоб ракамлари ва бошқаларни қайта ишлаган. Иккинчи босқич 70-йиллар охирларида матнларни қайта ишлаш бўйича автоном процессорлар ва

микрокомпьютерлар (ёки шахсий ЕХМ) пайдо бўлиши билан бошланган.

Учинчи босқич учун муассасаларни автоматлаштириш енди бошланмоқда, микро, мини ва универсал компьютерларни ягона тармоқса бирлаштириш бу босқич учун хос хусусиятдир. Бу ягона тармоқ електрон йўл билан ахборотни қўшни бинога ҳам, дунёнинг нариги бурчагига ҳам узатиш имконини беради, қоғоз материалларини тайёрлаш ва почта орқали жўнатиш нархидан анча арzonга тушади. Бундан ташқари, мазкур ахборот тармоғи компьютерларни машинкалаш ва нусха кычириш воситалари билан боғлайди, микро тўлқинли ёки оптик толали алоқа йўллари орқали ахборотни юқори тезликда компьютерлараро узатишни таъминлайди, телефон моделлари ёрдамида стол компьютерларини олис масофадаги маълумотлар базасига улаш ва оддий йиғилишлар ўрнига телеконференциялар ўтказиш имконини беради.

Офисни автоматлаштириш анъанавий коммуникация (мажлислар, телефон қўнгироқлари ва буйруқлар) тизимини алмаштирмасдан, балки уни тўлдиради. Ушбу тизимлар биргаликда фойдаланилиб, бошқарув меҳнатини оқилона автоматлаштириш ва бошқарувчиларни маълумот билан енг яхши тарзда таъминлашга имкон беради.

Автоматлаштирилган офис фирма бошқарувининг барча даражадаги менежерлари учун фақат ходимлар ички фирма алоқасини қўллаб-кувватлаши учунгина емас, балки уларга ташқи муҳит билан янги коммуникация воситаларини тақдим этиши жиҳатидан ҳам диққатни ўзига тортади.

Автоматлаштирилган офиснинг ахборот технологияси –коммуникация жараёнларини ҳам ташкилот ичидаги, ҳам ташқи муқит билан ахборот узатиш ва у билан ишлашнинг компьютер тармоқлари ва бошқа замонавий воситалари негизида ташкил этиш ва қўллаб-кувватлашдир. 5-расмда офисни автоматлаштиришнинг асосий компонентлари келтирилган.

Офисли автоматлаштирилган технологиялар, бошқарувчилар, мутахассислар, котибалар ва маъмурият хизматчилари томонидан фойдаланилади, улар хусусан муаммони гурӯхий ҳал этиш учун кулайдир. Улар котиблар ва ходимлари иш унумдорлигини кескин кўтаради ва ўсиб борадиган иш ҳажмини бажаришга имкон беради.

Менежерлар томонидан қабул қилинадиган қарорларни янада мукаммалашган коммуникациялар асосида яхшилаш - фирманинг иқтисодий ўсишини таъминлашга қодир. Ахборот дунёсига тегишли хизматчилар сонининг ошиб бориши билан, уларнинг иш жойи – офислари ҳам ўзгариб бормоқда. Бу, макроелектроника ва алоқа воситалари соҳасидаги техник инқилоб натижасидир, чунки ишбилармонлар ишхонаси – бу коммуникация марказидир.

Ахборот оқимларини ўрганиш жараённада хужжат айланишга, яъни хужжатнинг бирламчи ёзувидан бошлаб токи уни архивга топширгунга қадар бўлган жараёнга катта еътибор берилади. Ҳар қандай вазифа маълум микдордаги бир қанча хужжатлар асосида қайта ишланади. Ҳужжат асосан учта босқичдан иборат булади:

- қайта ишлангунга қадар;
- қайта ишлаш жараёни;
- қайта ишлангандан сўнг.

Хужжатни қайта ишлангунга қадар ҳаракатига алоҳида еътибор берилади. Хужжат одатда иқтисодий обьектнинг турли бўлимларида ишлаб чиқариш, ҳужжатни операцияларини бажариш жараёнида тузилади. Кўп ҳолларда ҳужжат тўлиқ тузилади. Ушбу жараённинг механизациялашуви ва автоматлашуви жараёни паст. Хужжатнинг бир неча нушаси вужудга келиши тез-тез содир бўлади ва бу нусхаларнинг кейинги ўз ҳаракат йўналиши мавжуд бўлади. Бажарувчиларда ҳам ҳужжатларни узок муддатда сақланиши содир бўлиб туради. Буларнинг барчаси ҳужжат айланишини мураккаблаштиради.

Ҳужжатнинг айланиши уларни қўлда қайта ишлаш муддатларини узайтиради. Ахборотни тўла қайта ишлаш тажрибасидан кўринадики, ҳужжатларнинг турли формалари мавжудлиги, уларни ҳар бирини кўп босқичли ўтиши, айнан бир хил кўрсаткичларнинг турли ҳужжатларда такрорланиши ҳужжат айланиши тизимининг ўта мураккаблигидир.

Мутахассисларнинг баҳо беришларича дунёда ҳар куни 1 млрддан ортиқ ҳужжатлар пайдо бўлади. Асосан булар матнли ҳужжатлар бўлиб, фактат 10%и ҳужжатларгина автоматлаштирилган, қайта ишлашга мослаштирилгандир. Бу корхоналарда электрон ҳужжат айланишини ташкил этиш зарурлигини билдиради. Ҳужжат айланиши автоматлаштириш тизимларини танлаш меъзонлари корхона масштаблари ходимларнинг ахборотни характерли қайта ишлаш соҳасидаги техник ва технологик тайёргарлик жараёни, бошқарув таркиби, бошқарувни автоматлаштириш тизимларининг мавжудлигидир.

Электрон ҳужжат айланиши тизимларини танлаш куйидаги мезонлари мавжуд:

- автоматлашган тизимлари ва маълумотлар базасини интеграллашуви;

- ўзлаштиришнинг енгиллиги;
- тармокларда ишнинг таъминланиши;
- тизимларнинг ишончлиги.

Электрон офис турли соҳалардаги вазифаларни бажаришни таъминлайдиган интеграллашган амалий дастур пакетлари мавжудлигини талаб киласи. Офиснинг дастурий таъминоти дастури қуйидагилардан иборат:

1. таҳлил килувчи ва дастурлар тузувчи;
2. презентациялар дастури;
3. графикли мухаррир;
4. факс модемини таъминловчи дастур;
5. таржимон дастурлар.

ERP тизимлари – бу компания ресурсларини бошқарув тизимларидир. Бу тизимлар компаниянинг барча бўлинмаларини ва унинг зарур функцияларини ягона компьютер тизимида бирлаштириш учун жорий этилади. Бунда у компаниянинг бўлинмалари жорий эҳтиёжларини қондиришга хизмат

кўрсатади.

ERP тизими барча бўлинмалар ва вазифалар бўйича ягона ахборотлар базасини юритади, шунинг учун ахборотдан фойдаланиш осонлашади ва энг асосийси бўлинмаларда ахборот алмашиш имконияти яратилади.

Ташкилотга ERP тизимини жорий этиш маълумотларнинг ишончлилик даражасининг юқорилигини, зарур ахборотни олишда тезкорликни, барча бўлинмаларда бир хил маълумотдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Шу билан бирга тизимда ахборотни рухсатсиз олиш ва чиқиб кетмаслигини таъминлаш ишончли ҳимоя даражасини қўллаш орқали амалга оширилади. ERP тизимида барча асосий ва ёрдамчи бизнес-жараёнлар автоматлаштирилади, шу жумладан молиявий ҳисобот ва дистрибуtsия, ишлаб чиқариш ва логистика, кадрлар билан ишлаш щамда мижозлар билан ўзаро муносабатни бошқариш каби жараёнлардир. Яратилган бошқарув тизими компаниянинг даромад олиш даражасини ва унинг бозордаги ўрнини оширади.

ERP тизими ташкилотга ёки ташкилотлар гуруҳига қўйидаги имкониятларни яратади:

- ягона ахборот маконини яратиш;
- фаолиятнинг асосий кўрсаткичларини ошириш;
- бошқарув тизимини тизимлаштириш ва такомиллаштириш;
- бошқарув самарадорлигини ошириш;
- ўз фаолияти тўғрисида маълумотларни олишда ишончлиликни ва тезкорликни ошириш;
- ҳисоботларни ўз вақтида ва сифатли олишни такомиллаштириш;
- компаниянинг асосий бизнес-жараёнларини самарадорлигини ошириш.

Сўнгги пайтда компаниянинг ички фаолиятини оптималлаштириш ва автоматлаштириш учун режалаштириш, тайёрлаш, ҳисоб ва назорат каби жараёнларни такомиллаштиришга каратилган ERP деб аталадиган тизимлар кўлланилади. ERP-тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда компанияда мижозга «ташқи дунё унсури» сифатида каралади ва у катта таъсир кўрсатмайди. Бошқа айтганда, ERP-тизимлари ички бизнес-жараёнларини оптималлаштириш ҳисобига рақобат устунликларига эришишга каратилган. Бу муносабатда компания мижози эътибори марказида бўлган CRM (Customer Relationships Management) тизимлари бунга зид ҳисобланади. CRM-тизимлари мижозни ташкилот соҳасига «интеграция қилиш»га имкон беради - фирма ўз мижозлари ва уларнинг эҳтиёжлари тўғрисида максимал даражада мавжуд бўлган ахборотни олади, бу маълумотлардан келиб чиқиб, фаолиятининг барча жиҳатлари: ишлаб чиқариш, реклама, савдо, дизайн, хизмат кўрсатиш ва бошқаларга тааллуқли ўз ташкилий стратегиясини куради. Ушбу шархайнан шундай тизимларга бағишлиланган. Аксарият компанияларнинг маҳсулот ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган концепциялардан маркетинг концепцияларига ўтиши. Кўпчилик компаниялар сифат ва харажатларни (шу жумладан, ERP-тизимларидан фойдаланиш харажатларини) минималлаштиришнинг чегараларига етиб бўлган ва эътиборни мижозларнинг кўпроқ ҳарид қилиши ва уларга хизмат

с) Режани кенгайиши учун молиявий репорт қандай ёрдамберади? Суе ва Жим Уиллиамс режалаштирилган янги кийим дўконини очишни режалаштиряпти. Биринчи, Улар янги очадигон дўконларда ҳар хил камчиликлардан қочиш мақсадида, олдин очилган дўконларни текширди. Бу ҳисоб-китоб маълумотларни шунга ўхшаш камоматларни аниқлашда қандай ёрдам беради.

д) Ишлаб чиқариш лойиҳаларида бўлиш анализи қандай ёрдам беради?

Бўлиш анализи дўконларга ҳар ойда қанча микдорда кийим–кечак кераклигини ҳисоблаш тушунтиради.

8 – амалий машғулот:

Ўз бизнесингизни яратиш ва бошқариш лойихаси

Фойдангизни тушунтириинг

Семестр якунига яқин, сиз ҳттп://финансе.гоогле.ком қидириш тизимиға киринг ва сиз танлаган актсиялари номини киритинг. веб-сайт, кейин бу акциялари биржа нархи ҳаракатини ко'рсатади, бир график беради. Охирги уч ой давомида фонд нархлари ҳаракатлари ко'риш учун диаграмманинг юқорида "ЗМ" тугмасини босинг. Актсиялари хақида асосий янгиликлар э'лонлар бу даврда тақдим этилади, деб э'тибор беринг. Катта актсиядорлик нарх ҳаракатларнинг олдин тез содир ҳар қандай э'лонга қаратинг. Сизнинг қимматли қоғ'озлар билан бөг'лиқ катта та'сир ко'рсатдган янгиликларни э'лонларини умумлаштириш ва бу эълон қилиш матнда материаллар билан бөг'лиқ қандай тушунтириш бу, э'лонлар бошқарув, маркетинг, молия, ёки иқтисодий муҳитни акси нима бо'лади?

Умумий бозор учун маблағингизни солишириинг. Умумий биржа шароит о'лчаш учун ишлатиладиган умумий бенчмарк С & П 500 индекси ҳисобланади. Шу уч ой даври ко'риб актсиядорлик нарх жадвалида "ЗМ" тугмасини босинг, кейин фақат график юқорида кичик С & П 500 белги қо'йинг. веб-сайт устида С & П 500 индекси бир тенденцияси беради.

Маблағингизга бир хил жадвали. Бу сизга умуман фонд бозорида учун актсияларнинг фаолиятини солишириш имконини беради. Сизнинг акциядорлик мактаб муддатга энг катта бозорда бир хил ё'налишда ҳаракат қилганми? Сизнинг акциядорлик умуман яхши ёки бозорда баттар амалда эдими?

Жамоа лойихаси.

Талабалар teng ҳажмли жамоаларга ажралган бо'лса, ҳар бир жамоа o'z умумий фойда сини аниқлаш ва бошқа жамоаларга қарши уни солишириши мумкин. Умумий даромад жамоаси барча талабалар семестр муддати охирида уларнинг инвестицияси жами қанча маблағни ташкил қиласди?

Агар ушбу бўлимдаги қамраб олинган мавзуларга қизиқсангиз, сиз бошқарувда катта аҳамиятга эга маълумотлар оласиз. Бошқариш мутахассисликлари томонидан олинган сабоқлар бази хulosалар.

Бошқариш мутахассисликлари учун умумий курслар

Ташкилий хулқ. Асосий бошқарув функцияларини режалаштириш, назорат ва команда билан ишлаш мотиватсияга ундовчи ходимларни ташкил қилиш.

Бошқариш бу менежерларнинг ишларини баҳолаш уларга мотиватсия бериш уларнинг ишлаши учун мажбуриятлари ўз ичига олади.

Бошқарувда инсон ресурслари. Иш жараёнига ажратилган тренинглар (мажлислар), ишлаш жараёнини баҳолаш ва ходимларнинг иш маошлари.

Мехнат алоқалари. Менежерлар орасида меҳнат шартномаси муносабатларини текширади, шунингдек ходим ва уюшмалар музокаралар жараёнини ўз ичига олади.

Менежер стратегияси. Бунда фирма стратегиялари дикқат марказига қаратилган рақобат муҳити фирма менежерлари томонидан унинг о'сишини

ошириш ва унинг иш фаолиятини яхшилаш ўрганилади.

Бошқариш тизими. Бу диққат марказга қаратилган система ва қарорларни яратиш жараёнини енгиллаштириш.

Тадбиркорлик. Бизнес ғояларини яратиш ,кичик бизнеснинг ўсиш методлари ва катта фирмалар билан рақобат муамолари билан шуг'улланади

Операцияларни бошқариш. Ишлаш жараёнида сайт режаси ва қарорлари,муқобол ишлаш жараёни ва сифат назорати ресурси текширади.

Бошқаришда мартаба. Иш постлар ҳақида ма'lумот, иш ҳақи ва талабаларнинг мартабаси учун бошқаришда муҳим бўлган қўйидаги вебсайтлар бўлиши мумкин.Иш ҳолати веб-сайти(<http://жобсеарч.монстер.ком>) маъмурӣ хизматлари,консультатинг хизматлари,инсон ресурслари,ишлабчиқариш ва маҳсулот.

Шахсий бизнесни юргизиш

Маълумотни якунлаш.

Сиз ушбу лойиҳанинг со'з файлни қўйдаги дарслик вебсайтдан (www.эмсп.нет/бусинесс5e) олиш мумкин ва фақат ҳар бир савоннинг остига жавобингизни киритинг.

Самарали бошқариш. сизнинг бизнесингиз учун стратегик режа

Сизнинг бизнесингиз учун тактик режалар

Ташкилий

тузилмаси

Сизнинг бизнесингиз учун зарур иш лавозимлари

Самарадорликни ва сифатини яхшилаш

Ишлаб чиқариш жараёни маҳсулот ёки хизматларни ишлаб чиқариш

Сизнинг ишлаш жараёнингиз Бу ерда ҳамма вақт кузтилиб борилади

В БҮЛДИМ

КЕЙСЛАР БАНКИ

кўникмалари шаклланади.

Кейс-стадини муваффақиятли бажариш учун тингловчи қуидаги билимларга эга бўлиши лозим:

Тингловчи билиши керак: олий математика, дискрет математика фанларидан чуқур билимларга; сиқиши алгоритмларининг қиёсий таҳлили; рақамли телевидениеда қўлланиладиган сиқиши ва кодлаш алгоритмларини фарқи; амплитуда, фаза ва частота модуляция асослари.

Тингловчи амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хуносча чиқаради; маълумотларни таққослайди, таҳлил қиласи ва умумлаштиради;

Кейс-стадида реал вазият баён қилинган. Кейс-стадининг обьекти – рақамли телевидениеда қўлланиладиган кодлик ортиқчалик, элементлар аро ёки статистик ортиқчалик, психовизуал ортиқчалик, тузилмавий ортиқчалик, вақтли ёки кадрлараро ортиқчалик каби параметрларни ҳисобга олган ҳолда сиқиши алгоритмлари.

Кейс-стадида ишлатилган маълумотлар манбаи: рақамли телевидениеда юқори сифатли тасвир сигналларини эфирга узатишда вужудга келадиган муаммолар асосида олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

Кейс-стадининг типологик хусусиятларига кўра характеристикаси: мазкур кейс-стади кабинетли кейс-стади тоифасига кириб, сюжетсиз ҳисобланади. Кейс-стади муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга ҳамда таҳлил қилишга қаратилган.

Бу ташкилий-институционал кейс-стади, таҳлилий ёзишма кўринишида тузилган.ф

У тузилмаланмаган, қисқа ҳажмдаги кейс-стади – технология ҳисобланади. Ўқув топширигини тақдим этиш усули бўйича – кейс-стади топшириқ.

Дидактик мақсадларга кўра тренингли кейс-стади ҳисобланади, шунингдек бу кейс-стади амалий машғулоти давомида белгиланган мавзу бўйича олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган. Ушбу кейс-стади ОТМ Тингловчилари учун “Рақамли телевидение” фанида фойдаланилиши мумкин.

Кейс-стади: Телевизион сигналларнинг ортиқча маълумотининг

турлари ва ортиқчаликни олиб ташлаш усуллари

Телевизион тасвирнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар катта ҳажмли ортиқча маълумотларга эга ва қуидаги синфларга бўлиш мумкин:

- 1) Кодлик ортиқчалик;*
- 2) Элементлараро ёки статистик ортиқчалик;*
- 3) Психовизуал ортиқчалик;*
- 4) Тузилмавий ортиқчалик;*
- 5) Вактли ёки кадрлараро ортиқчалик.*

Тасвир маълумотини сиқишида битта турдаги ортиқчаликни олиб ташлашни ёки бир нечта турни бирданига қўллаш мумкин.

Кейсдаги асосий муаммо рақами телевидениеда қўлланиладиган сиқии услубларининг қўлланилиши соҳасига (IPTV, ур усти телевидениеси, интернет телевидение, мобил телевидение ва б.к.) қараб энг мақбул (оптимал) вариантларини ишлаб чиқшига қаратилган.

Рақами телевидениеда қўлланиладиган сиқиш услублари

Бу ҳолатда видеооқим тузилмаси ортиқчалиги йўқотилган таянч кадридан иборат бўлиб, қолганлари эса кадр ичидағи ўзининг ортиқчаликлари йўқотилган ва қўшимча битта ёки бир неча ортиқчаликни йўқотиши турлари қўлланилган ҳамда бир вақтда тасвир блокларининг ўзаро силжишлари ва кадрлар орасидаги фарқни кўрсатувчи маълумотлардан ташкил топади. Айтилган амаллар MPEG стандарти оиласига тегишли ва шунга ўхшаш кодекларда қўлланилади. Бугунги кунда эффективлиги хилма хил бўлган, видеомаълумотларни сиқишининг қўплаб усул ва алгоритимлари ишлаб чиқилган ва улар турли сифат кўрсаткичларига, қўлланилган алгоритмлар мураккаблигига ҳамда тезкорлига боғлиқдир.

Шундай қилиб, тасвир сигналини шакллантириш ва ўзгартириш жараёнида қуидаги йўналишларни келтириш мумкин:

- *Спектр ўзгартиришлар асосида сиқии;*
- *Фрактал сиқии;*
- *Векторли квантлаши.*

Ҳар бир кўрсатилган ҳолатлар ўзининг афзалликлари ва камчилигига эга, уларни кенгроқ кўриб чиқамиз.

Спектр ўзгартириш асосида тасвир сигналини сиқиши

Тасвир ва видео кетма-кетликни сиқиши, ҳар хил принциплар асосида, яратилган ва кўп тарқалган усул ортогонал ўзгартиришdir. Амалиётда кўпинча чизиқли ортогонал ўзгартириш усуллари қўлланилади. Шундан келиб чиқиб, қуидаги ўзгартиришлар мақсадга мувофиқ

хисобланади:

- *Уоли - Адамар алмаштириши;*
- *Карунен – Лоэва алмаштириши;*
- *Дискрет косинус ўзгартириши (ДКҮ);*
- *Вейвлет ўзгартириши (ВҮ).*

Бу келтирилган ўзгартиришларнинг ҳар бирининг қўлланиш соҳаси, афзалликлари ва камчиликлари мавжуд.

Масалан **Адамар алмаштиришнинг** афзаллиги унинг амалиётда осон қўлланиши ва хисоблашларнинг соддалиги. Бу алмаштириш ўзгармас-бўлакли функциялар учун, айниқса сигналнинг ўзгармас ташкил этувчинини ажратишида, яхши натижалар беради аммо реал тасвир сигналларида бундай сигналлар кам учрайди

Карунен – Лоэва алмаштиришининг асосий камчилиги ҳозирча унинг векторларини тез хисоблаш усули ишлаб чиқилмаган, шу сабаб бу усул фақат назарий ҳолатда мавжуд.

Шундай қилиб, юқорида санаб чиқилган ўзгартиришлардан амалиётда кўпроқ ДКҮ ва ВҮ лар ишлатилади ҳамда уларни батафсил кўриб чиқамиз.

Дискрет-косинус ўзгартириш асосида тасвирларни сиқиши. ДКҮ спектрининг хусусияти шундан иборатки, частота спектри энергиясининг асосий ташкил этувчилари ноль кийматли частота атрофида ийғилганлигидир.

Тасвирни вейвлет ўзгартириши асосида сиқиши. Фурье ва ДКҮ ларнинг асосий камчилиги уларнинг базавий гармоник ташкил этувчилари функция даврий бўлмаган ҳолатларда яхши ишламайди ва натижада фойдали маълумотнинг маълум қисмини тиклаш имконияти йўқотилади. Вейвлет ўзгартириш маълум функцияни вейвлет функцияли ташкил этувчилар кўринишида берилишидир ва вейвлет –бу кичик тўлқин ёки тўсатдан сакраш тўлқини.

Саволлар:

1. Сизнингча ушбу ҳолатда муаммо мавжудми ва агар бор бўлса у қандай муаммо?
2. Ушбу вазиятда муаммони қайд этувчи қандай исбот-далилларни келтира оласиз?
3. Ҳар бир сиқиши алгоритмини қўлланилиш соҳаларини аниқланг ва сабабини ажратиб кўрсатинг.
4. Муаллифнинг ечими сизни қониқтирадими?
5. Бундай вазиятда сиз муаммони қандай бартараф этган бўлар

Эдингиз?

Амалий вазиятни босқичма – босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича тингловчига методик кўрсатмалар

Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1. Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни дикқат билан ўқиб чиқинг. Ўқиши пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2. Биринчи саволга жавоб беринг.
3. Маълумотларни яна бир маротаба дикқат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қўйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

“Д” ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,
“С” ҳарфи – муаммо сабабларини,
“О.О.Й.” ҳарфлари – муаммони олдини олиш йўллари.

4. Ушбу белгилар 2,3,4 саволларга ечим топишга ёрдам беради.
5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома.

- Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.
- Гуруҳ сардорини танланг.
- Ватман қоғозларда қўйидаги жадвални чизинг.

Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали

Муаммони тасдиқловчи далиллари	Муаммони келиб чиқиш сабаблари	Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим	Гуруҳ ечими

Иини якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Тингловчилар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот обьекти аниқланган макс. 6 б	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б	Жами макс. 20 б

**Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва
кўрсаткичлари**

Гурухлар рўйхати	Гурух фаол макс. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс. 4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс. 5 б	Жами макс. 10 б
1.				
2.				

8-10 балл – “аъло”, 6-8 балл – “яхши”, 4-6 балл – “қониқарли”, 0-4 балл – “қониқарсиз”.

IV. Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианти

Кейс-стадидаги асосий муаммо: *Кейсдаги асосий муаммо рақамли телевидениеда қўлланиладиган сиқиши услубларининг қўлланилиши соҳасига қараб энг мақбул (оптимал) вариантларини ишилаб чиқишига қаратилган.*

Муаммони тасдиқловчи далиллар: Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз. Қўлланилиш соҳасига кўра (IPTV, ер усти телевидениеси, интернет телевидение, мобил телевидение ва б.к.) рақамли телевидениеда қўлланиладиган сиқиши алгоритмларини аниқлаймиз.

- *Уоли - Адамар алмаштириши;*
- *Карунен – Лоэва алмаштириши;*
- *Дискрет косинус ўзгартириши (ДКЎ);*
- *Вейвлет ўзгартириши (ВЎ).*
- *Хаффман усули*


Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиши сабаблари: аналог телевизион сигнални рақамли шаклга ўзгартирилганда, чиқишидаги видео маълумотлар оқими 240 Мбит/с гача етиши мумкин ва бу бир соатда узатилаётган маълумотлар учун 108 Гбайтни ташкил этади. Бу ўз навбатида рақамли телевидение алоқа тармоғи учун 120МГцли ўтказиш полосаси бўлишини талаб этади ва бундай катта ҳажмли маълумотни 8МГцли стандарт телевизион каналдан узатиш мумкин эмас. Бундай катта ҳажмдаги рақамли маълумотларни ёзиш ва хотирада сақлашда, рақамли серверларни яратишда кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу сабабли видеосигнал кўрсаткичларини мослаштириш ва алоқа каналларидан узатиш учун, телевизион тасвир маълумотларнинг ортиқчалигини ҳисобга олган ҳолда,


сиқишиң усулларидан фойдаланилади. Агар сиқишиң қўлланилмаса ўрта ҳолдаги битта фильм юзлаб Гигабайтни эгаллайди.

Муаллиф ўз таклифида муаммони олдини олишда қўйидаги йўларини кўрсатиб берган:

Тасвир сигналларини кодлаш деганда видеомаълумотларни фақат сигналли қисмини қайта ишлаш ҳисобланади. Жараён ўз ичига ноанъанавий математик қайта ишлаш усулларини олади Унинг мақсади канал кенглигини сиқиши ва узатиш вақтини қисқартириш ҳамда сигналнинг каналдаги ўртача қувватини пасайтириш мақсадида уни вақт бирлиги ичидаги иложи борича кам миқдордаги иккилик символлар билан ифодалаш. Ҳар бир сиқиши алгоритми ўзининг параметрларига эга. Жумладан:

- *битта кадрни қайта ишилаш вақти;*
- *сиқиши коэффициенти;*
- *ахборот узатиши тезлиги;*
- *ўртача сифат. дБ;*
- *сиқилган файл ҳажми.*





ТАТУ Телерадиоэшиттириш тизимлари кафедрасида мазкур муаммоли вазиятни ҳал қилиш чора тадбирлари сифатида махсус виртуал лаборатория ишлари яратилган. Яъни тингловчиларга календар режа асосида ушбу лаборатория машғулотлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Мазкур вазиятдан келиб чиқиб, олиб бориладиган мунтазам изланишлар ва тадқиқотлар натижаси ўлароқ тасвир сигналларини сиқишида *Вейвлет ўзгартириши (ВЎ)* усули энг оптимали эканлиги аниқланди.

	Дискрет косинус ўзгартириш (ДКЎ);	Вейвлет ўзгартириш (ВЎ).	Хаффман усули
Битта кадрни қайта ишлаш вақти [с];	0.23	0.09	0.18
сиқиши коэффициенти ;	12.3	25.5	18.4
ўртача сифат. дБ.	40.5	49.5	35.3
ахборот узатиш тезлиги [кбит/с]	4858.3	8484.5	7945.1

Сиқилған файл хажми [кбит]	547896	347536	478521
-------------------------------	--------	---------------	--------

Вазиятдан чиқиб кетиши ҳаракатлари: Шу сабаб рақамли ТВда анча мураккаб кўп турдаги сиқиши алгоритмлари қўлланилади. Уларнинг самарадорлиги қўлланилиш соҳасига кўра аниқланади ва иложи борича борича узатилаётган ахборотда камроқ битлар бўлишига ҳаракат қилинади.

Якуний хулоса

Муаммонинг ечими: Агар тезлиги 56 Кбит/с модем ишлатилса, бир кунлик олинган видеотасвирни 8 йил давомида узатиш керак бўлади. Шу сабабли маълумотни узатиш тезлигини кўтариш учун рақамли видеотасвир доимо сиқилади.

Кейс-стади ўқитиш технологияси Ўқув машғулотининг технологияси модели

<i>Машғулот вақти-2 соат</i>	<i>Тингловчилар сони: 25 –30 та гача</i>
Машғулот шакли ва тури	Амалий-билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича амалий машғулот
Ўқув машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тингловчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц - сўров ўтказиш. 2. Кейс-стади мазмунига кириш. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш. 3. Кейс-стадини гурухларда ечиш. 4. Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш. 5. Якуний хулоса чиқариш. <p>Эришилган ўқув натижаларига кўра Тингловчилар фаолиятини баҳолаш</p>
Ўқув машғулотининг мақсади:	Сиқиши алгоритмларининг қиёсий таҳлили асосида рақамли телевидение учун оптималь варианларни танлай олиш кўникмаларини шакллантириш.
Педагогик вазифалар: - кейс-стади вазияти билан танишитириш, муаммони ва уни ечиш вазифаларини ажратишни ўргатиш; - муаммони ечиш бўйича ҳаракатлар	Ўқув фаолиятининг натижалари: - кейс-стади мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради; - вазиятга қараб муаммони ва уни

алгоритмини тушунтириш; - сиқишил алгоритмларини қиёсий таҳлил этишини тушунтириш. - рақамли телевидениеда энг оптимал вариантни танлашни ўргатиш - мантиқий хулоса чиқаришга кўмак бериш	ечиш бўйича вазифаларни таърифлайди; - муаммони ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма – кетлигини аниқлайди: - сиқишил алгоритм турларини ўрганади; - уларни қиёсий таҳлил қила олади; - рақамли телевидение учун модуляциянинг оптимал вариантини танлайди; - муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; - муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади; - якуний мантиқий хулосалар чиқаради.
<i>Ўқитиши методлари</i>	Кейс-стади, ақлий ҳужум, инсерт, мунозара, амалий усул
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиши шакллари</i>	Ўқув материали, тингловчига услубий кўрсатмалар, тақдимот, флипчарт
<i>Ўқитиши воситалари</i>	Индивидуал, фронтал, жамоа, гурухларда ишлаш
<i>Ўқитиши шароити</i>	Гурухларда ишлашга мўлжалланган, аудитория
<i>Қайтар алоқанинг йўл ва воситалари</i>	Блиц-сўров, тақдимот, кузатув

I-илова

Блиц-сўров савол ва жавоблари

№	Савол	Жавоб
1.	Сиқишил турлари.....?	. Сиқишил асосан икки усулда амалга оширилади: – сифатни йўқотиб ва сифатини йўқотмасдан.
2.	Телевизион сигналларнинг ортиқча маълумотининг турларини келтириб ўтинг	1) Кодлик ортиқчалик; 2) Элементлараро ёки статистик ортиқчалик; 3) Психовизуал ортиқчалик; 4) Тузилмавий ортиқчалик; 5) Вактли ёки кадрлараро ортиқчалик.
3.	Спектр ўзгартириш	• Уолш - Адамар алмаштириши;

	асосида тасвир сигналини сиқиши усулларини айтиб ўтинг ?	<ul style="list-style-type: none"> • Карунен – Лоэва алмаштириши; • Дискрет косинус ўзгартериши (ДКҮ); • Вейвлет ўзгартериши (ВҮ).
4.	Рақамли ТВ нинг стандартларини айтинг?	DVB – Европа стандарти ISDB – Япония стандарти ATSC –Америка стандарти

Қўшимча топширқлар муаммоли вазиятлар. (кейслар)

1.Берилган : HDTV сифтидаги видеоформат 1920*1080 ўлчамда. Кадр 4:2:0 форматида 30 кадр/сек узатилмоқда.

Савол: Бир секунддаги ахборот ҳажмини ҳисобланг?

Ечим: $1920*1080*30*8*1.5=746496000$ бит/сек ≈ 750 Mbit/s

2. ТВ сигнал юқори стаҳ чегараси 6 МГц. Берилган сигнал квантланиш даражаси 256га teng. Рақамли сигнал узатиш тезлиги ва канал минимал полоса кенглигини топинг.

Ечим 1:

1. Котельников шартига кўра $f_d \geq 2 \cdot F_{max} \Rightarrow f_d \geq 12$ МГц, $f_d = 13,5$ МГц қилиб танлаб оламиз.

2. $k = \log_2 m = \log_2 256 = 8$.

3. $C = f_d \cdot k$, f_d – частота дискретизация формуласига асосан:

$$C = 13,5 \times 8 = 108 \text{ Мбит/с топамиз.}$$

4. $f_d \geq 2 \cdot F_{max}$, F_{max} – берилган сигналнинг максимал частотаси:

$$\Delta f_d = 0,5 \times 108 = 54 \text{ МГц. топамиз.}$$

3. Рақамли тасвирни дискретлашда 4:2:2 стандарти қўлланилган. Рақамли тасвир сигналини узатишдаги суммар ахборот узатиш тезлигини ва канал минимал полоса кенглигини ҳисобланг. 8 ва 10 разрядли кодлаш тизимлари асосида.

Ечим:

1. 4:2:2 стандартида 4 коэффициенти 13,5 МГц частота дискретизациясига, 2 коэффициенти – 6,75 МГц частота дискретизациясига тўғри келади.

2. $C = f_d \cdot k$ формуласидан фойдаланган ҳолда рақамли тасвир сигналини

узатищдаги суммар ахборот узатиш тезлигини ҳисоблаймиз:

$$k = 8 \text{ да, } C = 13,5 \times 8 + 6,75 \times 8 + 6,75 \times 8 = 216 \text{ Мбит/с.}$$

$$k = 10 \text{ да, } C = 13,5 \times 10 + 6,75 \times 10 + 6,75 \times 10 = 270 \text{ Мбит/с.}$$

3. $f_o \geq 2 \cdot F_{max}$ формуласидан фойдаланиб канал минимал полоса

кенглигини ҳисоблаймиз:

$$k = 8 \text{ да, } \Delta f_u = 0,5 \times 216 = 108 \text{ МГц.}$$

$$k = 10 \text{ да, } \Delta f_u = 0,5 \times 270 = 135 \text{ МГц.}$$

VI БҮЛІМ

МУСТАКИЛ ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари:

1. Ташкилот муҳити
2. Менежментда интеграцион жараёнлар
3. Ходимларни бошқариш
4. Менежер шахси ва жиҳатлари
5. Бошқариш жараёнлари
6. Менежментда зарурий ресурслар
7. Инсон ресурсларини оптималлаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш
8. Моддий ресурсларни оптималлаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш
9. Молиявий ресурсларни оптималлаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш
10. Бошқариш сифати ва самарадорлиги
11. Бизнесни бошқаришда инновацион салоҳият
12. Бизнесни бошқариш тизимида ахборот ва коммуникацион жараёнлар
13. Бизнесни стратегик бошқариш
14. Бизнесни бошқаришда рақобатбардошлик чоралари
15. Бизнесни ривожлантиришнинг стратегик муаммолари
16. Бозор шароитида менежментнинг аҳамияти
17. Мулк ва бошқарув: алоқа ва ривожланиш тенденциялари
18. Бизнес – алоқалар, бизнесни бошқариш жараёнида уларнинг роли
19. Бошқариш тузилмаси турлари
20. Бизнесда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш
21. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмаси
22. Телекоммуникация хизматларининг сифат менежменти
23. Менежерлар меҳнатини баҳолаш
24. Ахборот рискларини бошқариш
25. Бизнес бошқарув асосларининг таркибий тузилиши
26. Бизнес бошқарувининг ҳуқуқий асослари
27. Телекоммуникация хизматлари бозорини ўрганиш

28. Телекоммуникация хизматларини бошқариш тизими
29. Ахборот рисклари ва уларни бошқариш
30. Бошқариш ресурслари, сифати ва самарадорлиги
31. Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш
32. Бошқаришда корпоратив маданиятнинг роли
33. Бошқарув қарорларини асослаш
34. Бизнес самарадорлигига рекламанинг роли
35. Бизнесни бошқаришнинг ижтимоий жиҳатлари
36. Бизнес этикаси
37. Расмий ва норасмий бошқариш
38. Бошқарув жараёнига коммуникацион тўсиқларнинг таъсири, уларни бартараф этиш йўллари
39. Ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш
40. Бизнес стратегиясини танлаш
41. Бизнес лойиҳаларини бошқариш
42. Корхонани стратегик мақсадларига эришишда корпоратив маданиятнинг роли
43. Бизнес фаолиятини юритишда ташкилий-хукуқий шаклни танлаш
44. Жамоани шакллантириш ва ривожлантитириш жараёни
45. Ташкилотлар қўшилганда ёки қайта ташкил этилганда ходимларнинг мослашуви
46. Корхонада бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш
47. Бизнесни бошқариш маданияти
48. Корхонани стратегик бошқаришда раҳбарнинг роли ва функциялари
49. Корхона бизнес-жараёнининг турли соҳалари реинжиринги
50. Менежментда интеграция жараёнлари

VII БҮЛІМ

ГЛОССАРИЙ

VII. ГЛОССАРИЙ

Акция - муайян қийматни ўзида ифодаловчи қимматли қоғоз бўлиб, унинг эгаси маълум мулкий хуқуқларга эга эканлигини, ушбу акцияни чиқарувчи корхона фаолиятида иштирок этиш хуқуқини берувчи ҳужжат.

Акциядор - акция эгаси бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Акциядорлик жамияти – устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларни тақсимловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект.

Амортизация (емирилиш, эскириш) - асосий фондларга кирувчи ашёлар баланс қийматининг жисмоний ва маънавий эскириб бориши туфайли тайёрланаётган маҳсулот қийматига ўтиб бориши.

Андеррайтер – қимматли қоғоз (акция)ларни бозорда жойлаштириш, сотиш мажбуриятини олган шахс.

Андеррайтинг (ингл. - ундершритинг) - қимматли қоғозларни воситачилар, инвестиция банклари орқали ошкора обуна йўли билан тарқатиш.

Антимонополия (яккаҳокимликка қарши кураш) қонунчилиги – рақобатчилик муҳитини тадбиркорликнинг турли соҳаларида қўллаб-куватлаш, монополизм ва инсофисиз рақобатга қарши қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи.

Арбитраж – хўжалик соҳасидаги ҳакамлик суди.

Ассоциация – иттифоқ, бирлашма. Иқтисодиётда одамлар, корхоналар, ташкилотларнинг ягона манфаат йўлида ихтиёрий иттифоқи. Ассоциация юридик шахс ҳисобланиб, фойда олишни мўлжалламайдиган жамоат ташкилотидир.

Аудитор - аудиторлик фирмасининг ходими, корхоналарнинг молиявий фаолияти назорат ва таҳлил қилиш билан шуғулланади, йиллик бухгалтерия ҳисботлари ва баланслари юзасидан хулосалар беради.

Аудиторлик фирмаси - мустақил хўжалик ҳисобидаги ташкилот бўлиб, корхоналар билан тузилган шартномалар асосида уларнинг бухгалтерия ҳисобини текширади ва тўғри-нотўғри эканлигини тасдиқловчи хулосалар беради.

Аукцион (ким ошди савдоси) - ошкора савдо ўтказиш асосида маҳсулот ва бошқа бойликларни сотишни ташкил этиш шакли.

Ахборот - (лот. информатио - «тушунтириш, баён қилиш, хабардорлик») - тақдим этилиш шаклидан қатъий назар, нимадир ҳақидаги маълумот.

Ахборот менежменти - ахборотни йиғиши, бошқариш ва тақсимлашга ихтисослашган менежментнинг маҳсус соҳаси бўлиб, XX асрнинг 70-йилларида мустақил йўналиш сифатида ажралган.

Банк - қонунларда назарда тутилган банк фаолияти билан шуғулланувчи тижорат ташкилоти.

Банк кредити - банк томонидан муддатли, қайтариш шарти билан,

муайян ҳақ эвазига бериладиган қарз.

Банкнот (ингл. - banknote) - қоғоз пулларнинг бир тури бўлиб, давлат томонидан эмиссия ҳуқуқи берилган банклар томонидан чиқарилади.

Банкрот бўлиш - хўжалик юритиш субъектларининг қарздор сифатидаги қарзларини ва бошқа мажбуриятларининг мол-мулкидан ошиб кетиши, бунинг натижасида товар (иш, хизматга ҳақ тўлаш юзасидан кредиторлар талабларини қондира олмай қолиши, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги.

Бизнес - (ингл. business - «иш», «корхона») ёки тадбиркорлик - фойда олишга йўналтирилган фаолият; даромад ёки бошқа шахсий наф келтирувчи ҳар қандай фаолият.

Биржа - бозорнинг бир тури. Аввалдан тайинланган манзил ва вақтда, белгиланган қоидалар асосида очик савдо-сотиқ ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратувчи, юридик шахс ҳисобланадиган субъект.

Биржа фаолияти - товарларга бўлган талаб ва уларни таклиф қилишнинг амалда мавжуд бўлган нисбатларини аниқлаш ҳамда уларни ҳисобга олган ҳолда нарх-навони шакллантириш асосида биржа товарларининг улгуржи бозорини вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуи.

Бозор - кенг маънода товарлар ишлаб чиқариш, уларнинг муомаласини ташкил этиш, тақсимлаш, турли хизматлар кўрсатиш ишларини бажариш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар тизими.

Бозор инфратузилмаси - товар ва хизматларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб берилишини таъминлашга қаратилган тармоқлар, тармоқчалар ва фаолият соҳалари йиғиндисидан иборат.

Бошқариш – 1) ташкилот мақсадларини шакллантириш ва унга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил этиш, асослаш (мотивация) ва назорат жараёни; 2) бошқариш тизимининг бошқариш обьектига тўлалигича ёки унинг алоҳида бўғинларига уни самарали амал қилиши ва ривожланиши мақсадида мазкур обьектга тегишли бўлган қонуниятлар ва прогрессив тенденцияларни билиш ва қўллаш ососида тизимли, онгли, мақсадга йўлтирилган равишда таъсир этиш жараёни.

Бошқариш обьекти - умумий мақсадларга эришиш учун фаолияти онгли равишида мувофиқлаштириладиган ташкилот - инсонлар гурухи.

Бошқариш субъекти - менежерлар, ташкилотнинг тўла бошқарув таркиби.

Бюджет - 1) қонунчилик йўли билан тасдиқланган ва муайян муддатга мўлжалланган давлат даромадлари ва харажатлари рўйхати; 2) давлат, корхона ёки фуқаронинг муайян даврдаги кутилаётган даромадлари ва харажатлари. Давлат бюджет даромадларининг асосий манбай солиқлар саналади.

Валюта биржаси - миллий валюталарнинг уюшган бозори. У ерда валюталар ўртасида талаб ва таклифга кўра шаклланган қадрланиш курси

(котировка) бўйича валюталарнинг олди-сотдиси амалга оширилади.

Валюта бозори - чет эл валютаси ва чет эл пул бирликларида ифодаланган тўлов хизматларини сотиб олиш, сотиш, айирбошлиш операциялари амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар соҳаси.

Гаров - бирон бир юридик ёки жисмоний шахсни бошқа бир шахса мол-мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқини мажбуриятларни таъминлаш учун унга бериб қўйиш.

Гиперинфляция (ингл. - хайперинфлатион) - муомалага (емиссия қилинган) чиқарилган пул массасининг беҳад ортиб кетиши билан боғлик равища юз берадиган салбий иқтисодий жараён.

Дебитор - корхона, муассаса, ташкилотдан қарздор бўлиб қолган юридик ёки жисмоний шахс. Хўжалик амалиётида олинган маҳсулот учун пул тўламаган, вексел юзасидан тўловни амалга оширмаган вексел берувчи шахс, тижорат кредитини олиб, тўловни амалга оширмаётган ташкилот ва бошқалар.

Дебиторлик қарзи - хўжалик юритувчи субъект саналувчи юридик шахснинг етказиб берилган маҳсулот, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат учун бошқа ташкилотлар зиммасида бўлган хақи, бошқа ташкилотлардан ундириб олиниши лозим бўлган пул миқдори.

Дивиденд - акция чиқарган корхона (акциядорлик жамияти) фойдасининг бир қисми ҳисобидан акция эгасига ҳар бир акция учун тўланадиган даромад.

Дотация - юқори бюджет бўгинидан қуи бюджет бўгинига ёки бюджетдан юридик ва жисмоний шахсларга қайтариб бермаслик шарти билан берилиши мумкин бўлган пул маблағлари.

Заём - давлат бюджетига юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб этиш йўли билан бюджет тақчиллиги ўрнини тўлдириш, улкан иқтисодий ва илмий-техникавий дастурларни молиявий маблағ билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан чиқариладиган қимматли қофозлар.

Заём конверцияси - Марказий банк томонидан аввал чиқарилган давлат заёмини бошқасига алмаштириш.

Захира - муайян мақсадлар учун, айrim ҳолларда эса кутилмаган ҳолларнинг олдини олиш учун сақлаб қўйилган моддий, молиявий ва бошқа ресурслар.

Иқтисодий жазо - қонун талабларининг мунтазам равища бузилишига, атроф-муҳитга зарар етказилишига, табиий ва бошқа моддий ресурслардан нотўғри фойдаланаётган, фаолият самараси паст бўлган юридик шахслар - хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чораларидан бири.

Иқтисодий макон - муайян давлатлараро ҳудуд. Иқтисодий макон иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг бирлигини ёки қайсиdir даражада ўзаро ўхшаш хусусиятлари билан яқинлигини тақозо этади.

Иқтисодий сиёsat - давлат томонидан мамлакат олдида турган яқин ва узоқ келажакдаги вазифаларга мувофиқ равища амалга оширилаётган ҳамда

амалга ошрилиши мўлжалланаётган иқтисодий, сиёсий ва бошқа тадбирлар йиғиндиси.

Ижара - юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги иқтисодий-хуқуқий муносабатларнинг кенг тарқалган тури. Унинг мақсади вақтинча бўш турган асосий ишлаб чиқариш воситаларидан самаралироқ ва юксак унум билан фойдаланишга эришишдан иборатdir.

Импорт - мамлакатга чет эл товарларининг олиб келиниши.

Инвестиция - фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият обектларига қўшилаётган мулкий бойликлар ёки бошқа турдаги хуқуқлар, шунингдек интеллектуал мулк шаклидаги сармоялар.

Инвестицион менежмент - инвестицион фаолиятнинг барча жабхаларини бошқариш жараёни.

Инвестор - фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ёки бошқа турдаги фаолият обектларига ўзининг мулкий бойликлари, бошқа хуқуқлари ҳамда интеллектуал мулкларини сармоя сифатида қўяётган (сарфлаётган) юридик ёки жисмоний шахс, юридик ҳамда жисмоний шахслар бирлашмаси.

Инновация - янгиликлар яратилишига инвестиция сарфлаш. Янги техника, технологиялар ва илмий изланишлар учун сармоя сарфлаш.

Инновацион менежмент - инновацион жараёнларни бошқариш механизmlари ёрдамида корхонанинг яшовчанлиги ва рақобатдошлигининг зарурый даражасига эришиш ва сақлаб қолишга мўлжалланган ўзаро алоқадор ҳаракатлар мажмуи.

Инфляция (ингл. - инфлатион) - қоғоз пуллар ва нақд пулсиз маблағларнинг қадрсизланиши.

Инфратузилма (ингл. - инфраструктуре) - ишлаб чиқариш жараёнини ва шароитларини таъминлашга қаратилган моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари, фаолият соҳалари мажмуи.

Капитал қўйилма - маълум мақсад учун, қўпчилик ҳолларда муайян обектлар қурилиши ёки таъмирланиши, янги қувватларни ўзлаштирилиши учун давлат марказий ёки маҳаллий маблағлари, корхона маблағлари ҳисобидан молиявий фондларнинг ажратилиши.

Касса режаси - хўжалик юритувчи субъектларнинг муайян давр (йил, квартал, ой) давомида нақд пул тушумларини ва иш ҳақи ҳамда бошқа мақсадлар учун харажатларини олдиндан тахмин қилиш асосида белгиланиши.

Коммуникация - (лот. соммуниcation - хабар, узатиш), мулоқот, фикр, маълумот, ғоя ва б. алмашиб; у ёки бу мазмунни бир онгдан иккинчисига (жамоавий ёки индивидуал) узатиш.

Консигнация - бир томон (консегнант) топшириқи билан иккинчи тараф (консегнатор) ўз номидан, аммо консигнант ҳисобидан чет элдаги омборда бўлган товарларни сотиш.

Корхонада бошқарувнинг ташкилий тузилмаси - бошқарув аппаратидаги бўлимлар, хизматлар ва бўлинмалар таркиби, уларни тизимли

ташкил этилиши, бир бирига ва юқори бошқарув органига бўйсунишлар характеристи, шунингдек мувофиқлаштирувчи ва ахборот алоқаларининг жамланмаси, турли даражалар ва бўлинмалар бўйича бошқарув функцияларини таҳсимланиш тартиби.

Кредит - бошқа шахсга пул маблағлари, товарлар ва бошқа бойликларни маълум муддатга, қайтариш шарти билан, ҳақ олиш (фоизлар тарзида) эвазига вақтинча топшириш.

Кредиторлик қарзи - хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа корхона, ташкилотлар, жисмоний шахслардан олган товарлари, кўрсатилган хизматлар, бажариб берилган ишлар учун улар олдидаги қарзи.

Лицензия - руҳсат бериш: 1) патент эгаси томонидан фойдаланиш учун маълум муддатга ва маълум ҳақ эвазига руҳсат бериш; 2) маҳсулотларни экспорт ёки импорт қилиш учун давлат идораларидан олинадиган ёзма руҳсатнома; 3) Юридик ва жисмоний шахслар томонидан фаолиятнинг муайян турлари билан шуғулланмаслик учун (масалан, тиббий хизмат, юридик хизмат ва ҳоказо) давлатнинг ваколатли идораларига белгиланган тартибда мурожат қилиш йўли билан олинадиган маҳсус руҳсатнома.

Марказий банк - Ўзбекистон Республикасининг давлат банки. Унинг бош мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлашдан иборат, асосий вазифаларидан бўлиб монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш, самарали ҳисоб-китоб тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; банклар фаолиятини тартибга солиш ва банклар фаолиятини назорат қилиш; республика олтин валюта резервларини, шу жумладан хукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш; давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш кабилар ҳисобланади.

Маркетинг – (ингл. маркетинг - сотиш, бозорда савдо қилиш) - қийматликларни яратиш, ривожлантириш ва харидорларга етказиб беришнинг ташкилий функцияси ва жараёнлар йиғиндиси, шунингдек харидорлар билан ўзаро алоқаларни ташкилот учун фойдали бошқариш.

Маҳаллий солиқлар ҳамда мажбурий тўловлар - юридик ва жисмоний шахслар даромадларидан маҳаллий давлат идоралари эҳтиёжи учун қонунда белгиланган миқдорда ва тартибда мунтазам равишда тўлаб бориладиган тўлов тури.

Менежерлар - раҳбарлар, яъни ташкилотнинг ўзларига бевосита бўйсунувчи ходимларга эга хизматчилари бўлиб, улар ташкилотда доимий лавозимни эгаллайдилар, ташкилот фаолиятининг маълум соҳаларига оид қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўладилар.

Менежмент - (ингл. манагемент - бошқариш, раҳбарлик қилиш, маъмурчилик, дирекция, тасарруф қила олиш) - ижтимоий-иктисодий тизимларни ишлаб чиқиш ва тузиш (ташкил этиш), максимал самарали қўллаш (фойдаланиш) ва назорат қилиш.

Мехнат биржаси - иш берувчиларнинг меҳнат ресурсларига бўлган талаби ҳамда вақтинча банд бўлмаган аҳоли томонидан ўз меҳнат

имкониятларини таклиф этиши асосида «Аҳолининг бандлигини таъминлаш тўғрисида»ги Конунга мувофиқ ўтказиладиган меҳнат бозорининг ташкилий шакли.

Молиявий менежмент - ташкилот ресурсларини шакллантириш, фойдаланиш ва тартибга солиш билан боғлиқ бўлган пул муносабатлари мавзуси. Молиявий менежмент молиявий ресурслар ҳаракати жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келувчи молиявий ресурслар ва молиявий муносабатларни бошқаришга йўналтирилган.

Монополистик фаолият - корхонанинг маҳсулот ёки товар бозорида рақобатни чеклаш ёки барҳам бериш йўли билан монопол юқори фойда олишга қаратилган фаолияти.

Мотивация - шахсий ички ва ташқи омиллар ёрдамида инсонни маълум фаолиятга ундаш жараёни.

Мотивациялаш - ходимларни фаоллаштириш, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ҳамда ходимларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун шароитлар яратиш ёрдамида ташкилот мақсадларига эришишни кўзлаб самарали ишлашга руҳлантириш.

Мувофиқлаштириш - бошқарув фаолияти бўлиб, режа топшириқларини бажариш жараёнида корхонанинг турли ишлаб чиқариш ва функционал бўлинмалари ишини ҳамжиҳатлигини таъминлайди.

Мулк - иқтисодий категория сифатида моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ҳуқуқий шакли.

Назорат - иш натижаларини микдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш ҳамда ҳисобини олиш, режаларни, меъёрларни, қарорларни корректировка қилиш.

Ноу-Хау - маҳсулот ишлаб чиқаришни осонлаштирадиган ва тезлаштирилишига ёрдам берадиган техникавий билимлар, техник тажриба, ишлаб чиқариш сири. Ноу-Хау ихтиро сифатида патентланиши мумкин эмас ва шу сабабли патент ҳимояси обекти ҳисобланиши мумкин эмас.

Облигация - унинг эгаси томонидан маълум суммадаги пулни тўллаганлиги ҳамда муайян вақтдан кейин унда кўрсатилган (номинал) пулни ҳамда маълум фоизларни қўшиб қайтарилишини гувоҳлантирувчи қимматли қоғоз.

Операцион (оператив ёки жорий) режалаштириш - режа-графиклар ишлаб чиқиши назарда тутади ва тактик режалар бажарилишини таъминлайди.

Пеня - айнома турларидан бири. Унга кўра, турли молиявий мажбуриятларни ўз вақтида бажармаган шахсларга қўлланиладиган жазо (санкция). Кечикирилган ҳар бир кун учун тўланмаган қарз суммасига нисбатан муайян фоизларга қўлланилади.

Ревалвация - муайян мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигига ва халқаро пул бирликларига нисбатан қадрини ошиши, курсини кўтарилиши.

Режалаштириш - фаолият мақсадларини, бунинг учун зарур бўлган ресурсларни аниқлаш, мақсадларга эришиш усувларини ишлаб чиқиш,

ташкилотни келажакдаги ривожланишини прогноз қилиш.

Реинвестиция - турли корхоналарга такроран ёки қўшимча сармоя сарфлаш. Бундай тарзда қўшимча маблағ сарфлаш олинган фойда ҳисобига қўлга киритилган қофозлар ва бошқа шаклларда амалга оширилади.

Риск-менеджмент – (ингл. риск манагемент) - салбий натижаларни юзага келиш эҳтимоллигини камайтириш ва эҳтимолий йўқотишларни минималлаштиришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ижро этиш жараёни.

Рұксатнома (лицензия) - қонунда белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тадбиркорликнинг айрим турлари билан (масалан, банк фаолияти билан) шуғулланиши учун берилган рұксатнома. Берилиш асослари ва тартиблари қонун хужжатларида белгилабқўйилган.

Санациялаш - йирик корхоналар молиявий инқирози олдини олишга қаратилган давлат соғломлаштириш тадбирларининг мажмуи. Бундай молиявий соғломлаштириш тадбирлари қаторига: давлат қарзларини кечиб юбориш, бюджет ҳисобидан дотация бериш, бюджетга тўловлар муддатини узайтириш (пролонгациялаш), соликлардан озод қилиш, имтиёзли кредитлар бериш, фойдаланилмаётган мол-мулкларни сотиш каби чоралар киради.

Сертификат - у ёки бу нарса (буюм, хужжат)дан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ҳуқуқига эга эканликни тасдиқловчи гувоҳнома.

Сифатни бошқариш – (ингл. қуалитӣ контрол) - тезкор характердаги фаолият бўлиб, сифатни режалаштириш ва назорат қилиш, коммуникация (ахборот), сифат бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш функсиясини бажариш ҳамда қарорлар қабул қилиш йўли билан маҳсулот сифатини таъминлаш мақсадида маҳсулот яратиш жараёнига дахлдор раҳбарлар ва ходимлар томонидан амалга оширилади.

Солик ва бошқа мажбурий тўловлар - давлат томонидан жорий қилинган ва жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан тўланиши мажбурий бўлган, доимий тавсифдаги, миқдори аввалдан белгиланган тўлов турлари.

Суғурта - бу унинг қатнашчилари ўртасида кўрилиши мумкин бўлган заарларни қоплашга мўлжалланган мақсадли суғурта фондларини бадаллар ҳисобидан шакллантириш билан боғлиқ бўлган қайта тақсимлаш муносабатлари йиғиндиси

Стратегик менежмент - компаниянинг узоқ муддатли мақсадлари ва ҳаракатларига тааллуқли бўлган бошқариш (менежмент) функсияси. Стратегияни (ҳаракатлар қиёфаси) ифодаси бошқариш ядроси ва компанияни яхши бошқаришнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Стратегик (узоқ муддатли ёки истиқболли) режалаштириш - асосан корхона фаолиятининг бош мақсадларини аниқлаш учун тузилади ва олдинга қўйилган мақсадларга эришиш, зарурӣ ресурслар билан таъминлаш воситалари ва услубларини ҳисобга олган ҳолда кўзда тутилган охирги натижаларни аниқлашга мўлжалланади.

Тадбиркорлик - ишлаб чиқариш ва/ёки товарлар сотиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажаришдан тизимли равишда фойда олиб туришга

йўналтирилган иқтисодий фаолият.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари - тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Тактик (ўрта муддатли) режалаштириш - стратегик мақсадлар ва вазифаларга эришиш йўлидаги оралиқ мақсадларни аниқлашда тузилади. Бунда масалаларни хал этиш, ресурслардан фойдаланиш, янги технологияларни жорий қилиш воситалари ва услублари батафсил ишлаб чиқилади.

Ташкил қилиш - ташкилот тузилмасини шакллантириш, уни ресурслар (моддий, молиявий, меҳнат) билан таъминлаш.

Ташкилий тузилма - бир бутун тизим бўлиб, унинг доирасида ишлаётган инсонлар қўйилган мақсадга самарали эришиш имконига эга бўлишлари учун маҳсус ишлаб чиқилади.

Фонд биржаси - олдиндан белгилаб қўйилган қоидалар асосида мунтазам равишда ўтказиб туриладиган қимматли қоғозлар бозорининг ташкилий шакли.

Ходимларни бошқариш – (ингл. хуман ресурсес манагемент, ХРМ, ХР-менеджмент) - ташкилотни унга юклатилган меҳнат функцияларини бажаришга лаёқатли сифатли ходимлар билан таъминлашга ҳамда улардан оптимал фойдаланишга йўналтирилган билимлар ва амалий фаолиятлар соҳаси.

Хусусийлаштириш - давлат қўлида марказлашган мол-мулкларни давлат эгалигидан чиқариш.

Шартнома (контракт, битим) - муайян юридик оқибатлар, уни тузувчи шахслар учун маълум ҳукуқлар, мажбуриятлар ҳамда жавобгарликлар келтириб чиқаришга қаратилган ўзаро келишув.

Экологик менежмент - корпоратив бошқарув умумий тизимиning бир қисми бўлиб, аниқ ташкилий тузилмага эга ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича дастурларни амалга ошириш орқали экологик сиёсатда қайд этилган қоидаларга риоя қилишни мақсад қиласди.

Экспорт - муайян мамлакатда ишлаб чиқарилган, тайёрланган, этиштирилган маҳсулотни бошқа мамлакатларга чиқарилиши.

Эмиссия - пул белгилари ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

Эмитент - пул белгиси ёки қимматли қоғоз эмиссиясини амалга оширувчи субъект.

Эркин божхона ҳудуди - божхона назоратисиз ва бож тўловлари ундирилмаган ҳолда маҳсулотларни эркин олиб кириш мумкин бўлган ҳудуд.

Эркин иқтисодий ҳудуд - давлат божхона чегараларининг алоҳида ажратилган қисми. эркин иқтисодий ҳудуд деб эълон қилинган жой хўжалик масалаларини хал этишда тўла эркин, алоҳида тартибда бошқарилади, маҳаллий ва чет эл фирмалари учун фаолият юритишнинг имтиёзли тартиби жорий этилган бўлади.

Юридик шахс - фуқаровий ҳукуқий муносабат иштирокчиларидан

бири, тадбиркорлик ва хўжалик фаолияти юритиш шаклларидан бири. Юридик шахс, бу - фуқаролик муомаласида иштирок этувчи корхона ва ташкилотларнинг хуқуқий мақоми. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддасида юридик шахс тушунчasi берилган бўлиб, унга кўра: хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувда алоҳида мол-мулкка эга бўлган, ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулклари билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки намунавий эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошириладиган, мажбуриятларни ўтай оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар юридик шахс саналадилар. Юридик шахслар тижорат, тижорациз ташкилотларга бўлинади. Юридик шахслар ўз устав (низом)ларига асосан иш олиб боради.

Ягона пул-кредит сиёсати - давлат томонидан амалга ошириладиган ички иқтисодий сиёсатнинг йўналишларидан бири. Мамлакат миқёсида пул муомаласини самарали тартибга солиш, миллий пул бирлиги қадрини ошириш, ички бозорни ҳимоя қилиш, кредитлардан юксак самарали фойдаланишликни таъминлаш, пул ва кредит воситаларини иқтисодий тараққиёт йўлида энг кўп фойда берадиган тарзда ишга солишга қаратилган тадбирлар мажмуи.

Қарз - жисмоний ёки юридик шахснинг шартномада кўзда тутилган ёки бошқа асосларга кўра вужудга келувчи мажбурияти бўлиб, унга мувофиқ қарздор пул ёки натура ҳолидаги муайян мулкни шартномада ёки қонунда назарда тутилган муддатда иккинчи томон (жисмоний ёки юридик шахсга ёхуд давлат)га топшириши лозим бўлади.

Қарзни тўлашга қобилияцизлик - қарз мажбуриятларини бажаришлик учун қарздор тўлов қобилиятининг йўқолиши.

Қимматли қоғозлар бозори - қимматли қоғозлар (акция, облигациялар) билан савдо-сотик амалга ошириладиган бозор. Суда капитали бозорининг таркибий қисмларидан, у ерда қимматли қоғозлар (акция, облигация) билан савдо-сотик операциялари амалга оширилади.

Қонун - давлат ҳокимияти олий идораси томонидан қабул қилинадиган, олий юридик кучга эга бўлган юридик хужжат.

VIII БҮЛІМ

АДАБИЁТЛАР
РҮЙХАТИ

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

- 1.L.R.Dabay and others/Principles of business/2012.600p.
- 2.Jeef Madura/ Introduction to business/ Florida Atlantic University/Paradigma Publishing Inc. 2010.694p.